



ЎЗБЕКИСТОН — ҚОЗОҒИСТОН: ЯХШИ ҚЎШНИЧИЛИК, СТРАТЕГИК ШЕРИКЛИК ВА ИТТИФОҚЧИЛИК МУНОСАБАТЛАРИ ИЗЧИЛ МУСТАҲКАМЛАНМОҚДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Қозоғистон Республикаси Президенти Қосим-Жомарт Тоқаевнинг таклифига биноан 29 март куни олий даражадаги норасмий учрашув ўтказиш учун амалий ташриф билан Олмаота шаҳрида бўлди.



Давлатимиз раҳбарини Қозоғистон Республикаси Президенти Қосим-Жомарт Тоқаев кутиб олди. Ўзбекистон етакчиси шарафига фахрий қоровул сафланди ва икки мамлакат байроқлари кўтарилди.

Ўзбекистон ва Қозоғистон — энг яқин қўшни ҳамда иттифоқчи давлатлардир. Уларнинг муносабатлари умумий дўстлик

ва яхши қўшничилик тамойиллари асосида изчил ривожланмоқда.

Дастлаб Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Қозоғистон Республикаси Президенти Қосим-Жомарт Тоқаев “Медеу” тоғ-чанги кластерига ташриф буюрдилар.

Давлатимиз раҳбарига сел-сув тошқинларидан ҳимоя қилиш мақсадида денгиз

сатҳидан 1750 метр баландликда барпо этилган “Медеу” тўғонининг яратилиш тарихи ва архитектуравий хусусиятлари ҳақида сўзлаб берилди.

“Медеу” тўғонининг тепасига 842 погондан иборат “Саломатлик зинапоёси” олиб борилди. 2011 йилда тўғон ёнида “Шимбулок” тоғ-чанги масканига элтувчи 4,5 километр узунликдаги дор йўли қурилган.

“Медеу” спорт мажмуаси 1972 йилда барпо этилган бўлиб, денгиз сатҳидан 1700 метр баландликда жойлашган.

Мажмуа муз майдонининг юзаси 10,5 минг квадрат метр бўлиб, бир вақтда 3 минг нафаргача кишини қабул қила олади. Ҳар йили унга 400 мингдан ортқ меҳмон ташриф буюради.

Бугунги кунда мажмуа спорт, туризм ва маданият кластери сифатида фаолият юритмоқда. Спорт мусобақалари, оммавий коньки учиш, маданий тадбирлар, фестиваллар мунтазам ўтказиб келинмоқда.

2011 йилда бу ерда VII қишки Осиё ўйинлари, 2017 йилда Бутунжаҳон Универсиада мусобақалари ўтказилган.

Танишув чоғида Ўзбекистон ва Қозоғистон Президентлари ёш фигурали учувчиларнинг кўргазмалари чиқишларини томоша қилдилар.

Шундан сўнг Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Қозоғистон Республикаси Президенти Қосим-Жомарт Тоқаев Олмаота шаҳрида норасмий учрашув ўтказдилар.

Икки мамлакат делегациялари иштирокида Ўзбекистон — Қозоғистон яхши қўшничилик, стратегик шериклик ва иттифоқчилик муносабатларини изчил мустаҳкамлаш масалалари атрофида кўриб чиқилди.

Сўхбат аввалида давлат раҳбарлари бир-бирини ҳамда қардош халқларимизни баҳор айёми Наврўз ва яқинлашиб келаётган Рамазон ҳайити билан самимий қутладилар.

Ўзбекистон билан Қозоғистон ўртасидаги кўп қиррали ҳамкорлик юксак даражага кўтарилгани алоҳида мамнуният билан қайд этилди. Барча даражаларда фаол мулоқотлар олиб борилмоқда. Товар айирбошлаш ҳажми йил бошидан буён 14 фоизга ошди, умумий қиймати 4 миллиард доллардан зиёд инвестиция лойиҳалари

портфели шакллантирилди, яқин ҳудудларо алоқалар ва маданий-гуманитар алмашинув ривожланмоқда.

Давлат раҳбарлари Ўзбекистон ва Қозоғистон Бош вазирлари ўринбосарларининг ўзаро савдони кўпайтириш, машинасозлик, электротехника, нефть-газ, тўқимачилик, қишлоқ хўжалиги ва бошқа устувор тармоқларда етакчи корхоналарнинг кооперация лойиҳаларини илгари суриш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар тўғрисидаги ҳисоботларини тингладилар.

Президентлар саноат кооперацияси бўйича узоқ муддатли дастурни шакллантириш, минтақавий аҳамиятга эга инфра-тузилмавий лойиҳаларни жадаллаштириш юзасидан аниқ топшириқлар бердилар.

Жорий йилда Халқаро саноат кооперацияси марказини ишга тушириш бўйича амалий ишларни бошлаш, қўшма ташқи савдо компанияси фаолиятини кенгайтириш муҳимлиги қайд этилди.

Минтақавий кун тартиби, шу жумладан, яқин ойлarda Ўзбекистонда ўтказиладиган Марказий Осиё саммитларига тайёргарлик юзасидан фикр алмашилди.

Бўлажак икки ва кўп томонлама тадбирлар режаси ҳам кўриб чиқилди.

Учрашув ҳар доимгидек дўстона ва ишчан руҳда ўтди.

Сўнг Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Қозоғистон Республикаси Президенти Қосим-Жомарт Тоқаев биргаликда “AlmatyFair.ai” рақамли технологиялар ва сунъий интеллект кўргазмасига ташриф буюрдилар.

Давлат раҳбарларига мазкур соҳалардаги илгор ечимлар ва инновацион ишланмалар ҳақида ахборот берилди.

Қозоғистон Президенти ташаббуси билан ташкил этилаётган Alem.ai сунъий интеллект марказининг тақдироти бўлиб ўтди. Alem.ai — сунъий интеллект соҳасида мутахассисларни ўқитиш, стартапларни

ишга тушириш ва илмий тадқиқотларни амалга ошириш учун платформа.

Етакчилар Марказий Осиёдаги энг йирик технопарклар бирлашмаси — “Central Asian Innovation Hubs” (“Astana Hub” ва “IT Park Uzbekistan”) фаолияти билан ҳам танишдилар.

Президентлар рақамлаштириш соҳасидаги ўзаро манфаатли ҳамкорликни кенгайтириш, қўшма IT маҳсулотларини яратиш, сунъий интеллект ва илгор ахборот технологиялари соҳасидаги миллий стратегияларни ўзаро боғлаш муҳимлигини таъкидладилар.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Олмаота шаҳрига ташрифининг маданий дастури доирасида Қозоғистон Республикаси Президенти Қосим-Жомарт Тоқаев билан биргаликда Абилюхон Кастеев номидаги Миллий санъат музейига ташриф буюрди.

Халқ рассомлари — қозоқ тасвирий санъати асосчиси Абилюхон Кастеев ва ўзбек рангтаъсир устаси Урол Тансиқбоев асарлари томоша қилинди.

Кўргазма Ўзбекистон ва Қозоғистон бой бадиий меросининг ёрқин ифодаси, икки қардош халқ ўртасидаги мустаҳкам маданий алоқаларнинг рамзи бўлди.

Давлат раҳбарлари санъат соҳасидаги ҳамкорликни янада кенгайтириш, шу жумладан, қўшма тадбирлар ўтказиш, маданий мулоқотни ривожлантиришга хизмат қиладиган ташаббусларни қўллаб-қувватлаш муҳимлигини таъкидладилар.

Шу билан Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қозоғистон Республикасига амалий ташрифи якунланди.

Олмаота халқаро аэропортида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевни Қозоғистон Республикаси Президенти Қосим-Жомарт Тоқаев кузатиб қўйди.

Ў.З.А

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИГА РАМАЗОН ҲАЙИТИ ТАБРИГИ

Қадрли юртдошлар!

Авалло, сиз азизларни, бутун халқимизни улуг айём — муборак Рамазон ҳайити билан чин юракдан самимий табриклаб, барчангизга ўзимнинг юксак ҳурматим ва эзгу тилакларимни изҳор этаман.

Ушбу саодатли дамларда бу йилги Рамазон ойини ҳар томонлама муносиб ўтказиб, Ийд ал-Фитрни эл-юртимиз билан бирга мана шундай шоду хуррамликда кутиб олаётганимиз учун Яратганга беҳисоб шукроналар айтаман.

Албатта, туб моҳиятида инсонпарварлик ғояси мужассам бўлган муқаддас ислом динининг эзгу қадриятлари бутунги кунда Янги Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислохотларга нақадар уйғун ва ҳамоҳанг экани Рамазон ойида янада яққол намоён бўлди, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз.

Бу ҳақда сўз юритганда, аввало, маънавий покланиш, сабр-қаноат, шукроналик, хайру саховат фазилатлари улугланадиган ушбу ойини миллий анъана ва қадриятларимизга мос тарзда, юксак савияда ўтказиш, юртимиз мусулмонлари ибодат амалларини эмин-эркин адо этишлари учун барча шароитлар яратилганини таъкидлаш лозим.

Айниқса, бу муборак ойнинг “**Рамазон — саховат, бирдамлик ва бағрикенглик ойи**” деган ғоя асосида ўтказилгани жамиятимизда тинчлик, дўстлик, меҳр-оқибат ва саховат муҳитини янада мустаҳкамлашга хизмат қилди.

Шу мақсадда кам таъминланган, ёрдамга муҳтож оилалар, кекса, ногирон ва ёлғиз инсонлар ҳолидан хабар олиш, камбағал кишиларнинг огирини енгил қилиш, уйлар ва маҳаллаларни обод этиш, уч авлод вакиллари иштирокида оммавий дарахт экиш, янги боғу роғлар барпо этиш бўйича кўплаб хайрия тадбирлари ўтказилганини қайд этиш зарур. Жумладан, республикамиз бўйлаб кўп миллатли, кўп конфессияли мамлакатимиз жамоатчилиги вакилларини бирлаштирган ифторлик маросимлари бизнинг кучимиз бирлигида ва ҳамжихатликда эканини яна бир бор яққол намоён этди.

Уйлайманки, кейинги йилларда яхши анъанага айланган бундай маросимлар инсон қадрини улуглаш, меҳнаткаш ва олимжаноб халқимизни

ягона, аҳил оила сифатида бирлаштириш борасида беқеёс аҳамиятга эга бўлиб, биз бу ишларни бундан буён ҳам албатта давом эттирамиз.

Хурматли дўстлар!

Барчангизга маълумки, ислом — бу аввало, одамийлик, илм-фан, билим ва маърифат, эзгу фазилатларни улуглаш таълимоти дидир.

Шу борада мамлакатимизда ислом цивилизацияси ва маданияти асосида яратилган бой илмий-маънавий меросни тўплаш, ўрганиш ва кенг тарғиб этишга сўнгги йилларда улкан эътибор берилмоқда. Айни шу мақсадда юртимизда янги-янги илмий-маърифий марказлар, диний йўналишдаги таълим масканлари, қўтулғ зияратгоҳлар барпо этилиб, самарали фаолият олиб бормоқда.

Ҳеч шубҳасиз, буларнинг барчаси гўзал диёримизда барча соҳа ва тармоқлар қатори диний-маърифий ҳаёт ҳам улуксиз ривожланишда эканидан далолатдир. Бу ишларда юртимиз мўмин-мусулмонлари, бутун халқимизнинг муносиб ҳиссаси борлигини таъкидлаб, бундан устун барчангизга самимий миннатдорлик билдираман.

Мана шу шукруҳли айёмда чет элларда она юртга садоқат туйғуси билан яшаётган ватандошларимизни ҳам Рамазон ҳайити билан чин дилдан қутлаб, уларга эзгу тилакларимизни изҳор этамиз.

Ушбу шарофатли кунда дунёнинг узоқ-яқин ўлкаларидаги мусулмон умматини ҳам қизгин табриклаб, уларнинг халқлари ва мамлакатларида дўстлик саломимизни йўлаймиз.

Азиз ва муҳтарам ватандошлар!

Сиз, азизларни Рамазон ҳайити билан яна бир бор чин қалбимдан муборакбод этиб, барчангизга мустаҳкам соғлик, бахту саодат, хонадонларингизга файзу барака тилайман.

Рамазон ойида қилган барча эзгу ният ва дуоларимиз ижобат бўлсин!

Аллоҳ таоло жонажон Ватанимиз ва халқимизни ўз паноҳида асрасин!

Ийд ал-Фитр айёми барчамизга муборак бўлсин!

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси
Президенти

САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

Мўмин-мусулмонлар учун муқаддас бўлган, руҳий покланиш, меҳр-оқибатли бўлиш, муҳтожларга кўмак ва гамхўрлик кўрсатишга ундовчи Рамазон ойи ва муборак Рамазон ҳайити муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев номига хорижий давлатлар ва ҳукуматлар, нуфузли халқаро ва минтақавий ташкилотлар раҳбарлари, таниқли дин ва жамоат арбобларидан қутловлар келмоқда.

Хорижий ҳамкорлар Ўзбекистон ва унинг кўп миллатли халқига тинчлик, фаровонлик ва равақ тилаб, мамлакатимиз билан дўстлик муносабатларини янада мустаҳкамлаш ва ўзаро манфаатли ҳамкорликни кенгайтиришга интилишини тасдиқламоқда.

Куйидагилар ўз табрикларини йўллаган:

- Саудия Арабистони Подшоҳи **Салмон бин Абдулазиз Ол Сауд**;
- Саудия Арабистони Валиаҳди, Вазирлар Маҳкамаси Раиси **Муҳаммад бин Салмон бин Абдулазиз Ол Сауд**;
- Туркия Республикаси Президенти **Режеп Таййип Эрдоган**;
- Қозоғистон Республикаси Президенти **Қосим-Жомарт Тоқаев**;
- Қирғиз Республикаси Президенти **Садир Жапаров**;
- Тожикистон Республикаси Президенти **Эмомалӣ Раҳмон**;
- Туркменистон Президенти **Сердар Бердимухамедов**;
- Туркман халқининг миллий етакчиси, Туркменистон Халқ Маслаҳати Раиси **Гурбангули Бердимухамедов**;
- Озарбайжон Республикаси Президенти **Илҳом Алиев**;
- Бирлашган Араб Амирликлари Президенти **Шайх Муҳаммад бин Зайд Ол Наҳаён**;
- Бирлашган Араб Амирликлари Вице-президенти, Бош вазир, Дубай амирлиги ҳокими **Шайх Муҳаммад бин Рошид Ол Мактум**;
- Бирлашган Араб Амирликлари Вице-президенти **Шайх Мансур бин Зайд Ол Наҳаён**;
- Бирлашган Араб Амирликлари Бош вазир ўринбосари **Шайх Сайф бин Зайд Ол Наҳаён**;
- Миср Араб Республикаси Президенти **Абдулфаттоҳ ас-Сиси**;

- Эрон Ислому Республикаси Президенти **Масъуд Пезешкиён**;
- Покистон Ислому Республикаси Бош вазири **Шаҳбоз Шариф**;
- Қатар Давлати Амири **Шайх Тамим бин Ҳамад Ол Соний**;
- Қатар Давлати Амирининг ўринбосари **Шайх Абдуллоҳ бин Ҳамад Ол Соний**;
- Кувайт Давлати Амири **Шайх Мишъал ал-Аҳмад ал-Жобир ас-Сабоҳ**;
- Кувайт Давлати Валиаҳди **Шайх Сабоҳ Халид ал-Аҳмад ас-Сабоҳ**;
- Иордания Хошимийлар Подшоҳлиги Подшоҳи **Абдулла II**;
- Ўмон Султони **Ҳайсам бин Ториқ Ол Саид**;
- Баҳрайн Подшоҳи **Шайх Ҳамад бин Исо Ал Халифа**;
- Марокаш Қироли **Муҳаммад VI**;
- Жазоир Халқ Демократик Республикаси Президенти **Абдулмажид Таббун**;
- Тунис Республикаси Президенти **Қайс Саид**;
- Фаластин Давлати Президенти **Маҳмуд Аббос**;
- Ливия Давлати Президент кенгаши раҳбари **Муҳаммад Юнус Ал-Манфи**;
- Сомали Федератив Республикаси Президенти **Ҳасан Шайх Муҳаммад**;
- Исроил Давлати Президенти **Ицхак Перцог**;
- Ислому ҳамкорлик ташкилоти бош котиби **Хусайн Иброҳим Тоҳа**;
- Кўрфаз араб давлатлари ҳамкорлик кенгаши бош котиби **Жасим Муҳаммад Ал-Будайвий**;
- Туркий давлатлар ташкилоти бош котиби **Кубаничбек Омуралиев**;
- Туркий давлатлар ташкилоти Оқсоқоллар кенгаши раиси **Бинали Йилдирим**;
- Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти бош котиби **Фариҳун Синирли ўғли**;
- Ислому тараққиёт банки раиси **Муҳаммад Сулаймон Ал-Жасир**;
- “Ал-Азҳар” мажмуаси шайхи **Аҳмад Таййиб**;
- Кавказ мусулмонлари идораси раиси **Шайхулислом Оллоҳшукур Пошшоғода**.

Табриклар келишида давом этмоқда.



МАРКАЗИЙ ОСИЁ — ФАРОВОН, БАРҚАРОР РИВОЖЛАНАЁТГАН, ИШОНЧ ВА ДЎСТЛИК МАКОНИ

Марказий Осиё тушунчаси географик жиҳатдан яхлит худудни англатса-да, яқин-яқингача том маънода бир-бирини тўғридан тўғри қўлловчи, тўлдирувчи, халқаро майдонда ягона манфаатни ифодаловчи, яхши қўшничилик муносабатларига асосланган, бир-бирига очик минтақа эмас эди. Тарихий қавм-қариндошлик ришгаси, анъана ва қадриятлар уйғунлашиб, халқларимиз ўзаро жипслашиб кетган бўлса-да, чегараларга, савдо-сотик ва бошқаларга қўйилган сунъий тўсиқлар муайян муддат минтақа аҳолисини бир-бирдан айро қилди.

Давоми 3-бетда



ЯХШИ АМАЛЛАРНИ ЙИЛ БЎЙИ ДАВОМ ЭТТИРИШГА ЖИДДУ ЖАҲД ҚИЛАЙЛИК!



Муборак Рамазон хайити юртимизнинг ҳар бир гўшаси, барча маҳалла ва хонадонларда ўзаро ҳамжиҳатлик билан тинч-тотув, файзли ва шукуҳли муҳитда нишонланмоқда. Инсонпарварлик, ўзаро ҳурмат ва меҳр-оқибат, кам таъминланган ва эҳтиёжман шахслар, ёрдамга муҳтож оилаларга эътибор ва ғамхўрлик кўрсатиш каби юксак инсоний фазилатлар айни кунларда янада кенг намоён бўлаётир.

БАҒРИКЕНГЛИК, КЕЧИРИМЛИК, АФВ ҚАДРИЯТИ ТУФАЙЛИ СЎНГАН УМИДЛАР ЯНА ШУҒЛА СОЧМОҚДА

Ушбу фараҳли дамларда Президентимизнинг “Жазо муқаддини ўтаётган, қилмишига чин кўнгилдан пушаймон бўлган ва тузалиш йўлига қатъий ўтган бир гуруҳ шахсларни афв этиш тўғрисида”ги фармони эълон қилинган байрам шодлиғига янада файз қўшиди. Зеро, кечиримлик халқимизнинг қон-қонига сингир кетган эзгу фазилатдир. Бу анъаналарнинг барҳаёт яшаши жамиятда, оилаларда меҳр-оқибат, инсонийлик ришталарини янада мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Сўнгги йилларда билиб-билмай жиноят содир этган, қилмишига чин кўнгилдан пушаймон бўлган, тузалиш йўлига қатъий ўтган ва ижобий тавсифга эга минглаб одамлар бу имкониятдан фойдаланиб, соғлом ҳаётга қайтаётгани жамиятимизда адолат таъминловини мустаҳкамлашга хизмат қилляпти.

Фармонга мувофиқ, бу гал ҳам Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 109-моддаси 23-бандига асосан, жазо муқаддини ўтаётган ҳамда қилмишига чин кўнгилдан пушаймон бўлган ва тузалиш йўлига қатъий ўтган 488 шахс афв этилди. Уларнинг 100 нафари асосий жазодан тўлиқ овоз этилди, 268 нафари жазони ўташдан муқаддидан илгари шартли овоз қилинди, 34 нафарининг овозидан маҳрум этиш жазоси энгилроқ жазо билан алмаштирилди. Шунингдек, 86 шахсга тайинланган овоздликдан маҳрум этиш жазосининг муқадди қисқартирилди.

Афв этилганларнинг 17 нафари чет эл фуқаролари, 37 нафари аёллар, 37 нафари 60 ёшдан ошган эркеклар, 167 нафари ёшлар (шулардан 1 нафари воёга етмаган) ҳамда 5 нафари таъқиқланган ташкилотлар фаолиятида қатнашган шахслардир.

Инсон учун овоз ва оқибат, тинч-хотиржам юрда умргузувчилар қилишдан ортиқ бахт бўлмаган эркаклар, Тақдир бизга ана шундай порлоқ толе бахш этгани улкан саодатдир. Бунинг ҳар бир фуқаро тарафини аниқламоғи, қадрламоғи лозим. Аммо ҳаёт бир текис эмас, орамизда бу неъматнинг қадрини ўз вақтида англаб етмайди, гоҳида билиб, гоҳида билмай номақом йўللарга қирадиган, ҳаёт сўқмоқларида адашадиганлар ҳам учраб туради.

Президентимиз Ўзбекистон халқига Рамазон хайити табригини йўлади. Унда таъкидланганидек, муборак ойнинг “Рамазон — саховат, бирдамлик ва бағрикенглик ойна” деган ғоя асосида ўтказилгани жамиятимизда тинчлик, дўстлик, меҳр-оқибат ва саховат муҳитини янада мустаҳкамлашга хизмат қилди.

Шайх Нуриддин ХОЛИҚНАЗАР, Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси, муфтий

Давлатимиз раҳбари ўз табригида “Кам таъминланган, ёрдамга муҳтож оилалар, кекса, ногирон ва ёлғиз инсонлар ҳолидан хабар олиш, камбағал кишиларнинг оғирини енгил қилиш, уйлар ва маҳаллаларни обод этиш, уч авлод вақиллари иштирокида оммавий дархот экиш, янги боғу роғлар барпо этиш бўйича кўп-лаб хайрия тадбирлари ўтказилганини кайид эитиш зарур. Жумладан, республикамиз бўйлаб кўпмиллатли, кўпконфессияли мамлакатимиз жамоатчилиги вакиллари биллаштирган ифторлик маросимлари бизнинг таъкидлик ва ҳамжиҳатликда эканини яна бир бор яққол намоён этди”, дея алоҳида таъкидлагани барчамизни эзгу амаллар, олий мақсадлар сари чорлаб турибди.

Дарҳақиқат, Аллоҳ таолога ҳамду санолар бўлсин, руҳий поклигини, хайр-саховат ойна бўлган муборак Рамазон юртимизда кўтаринки кайфиятда ҳамда юқори даражада ўтди. Ушбу улуг ойда халқимиз тоат-ибодатда ҳам, хайр-саховатда ҳам ғайрат кўрсатиб, бир-бирига қувонч улашди. Эҳтиёжманларга ёрдам қўлини чўзишдек савобли ишларда намуна бўлди. Бундай эзгу амаллар жамиятимизда дўстлик, бирдамлик ва бағрикенглик муҳитини янада мустаҳкамлади.

Президентимизнинг шу йил 26 мартдаги “Муборак Рамазон хайитини нишонлаш тўғрисида”ги қароридан ушбу айёми халқимизнинг миллий анъана ва урф-одатларига уйғун ҳолда ўтказиш таъкидланган эди. Қарор асосида тегишли чора-тадбирлар кўрилди. Натيجида халқимиз ушбу байрамни жуда катта қувонч билан нишонлаш бахтига мушарраф бўлмоқда.

Расулulloҳ соллаллоху алайҳи васаллам: “**Ҳар бир қавмининг ўз байрами бор, бу (ий қуни) бизнинг байрамимиздир**”, дея биз, умматларини бу кунда хурсандлик қилишга чорлаганлар.

Имом Термизий бобомиз ривоят қилган ҳадиси шарифда ийд кунлари ҳақида пайғамбаримиз соллаллоху алайҳи васаллам: “**Ушбу кунлар ёб-инчи ва хурсандлик кунларидир**”, деганлар. Шунинг учун бу

кунни дунё мусулмонлари қатори юртимиз аҳли ҳам катта шодлиёна ва байрам сифатида нишонлайди. Яратган Роббимизга беҳисоб ҳамдлар бўлсин, бу йил диёримизда Рамазон ойна аввалги йилларга қараганда ҳам файзу тароватли ўтди. Айниқса, юртимиздаги 1700 дан зиёд масжидда Қуръон хатми қилинган, Қадр кечасида Қуръони карим хатми яқунлашиб, юртдошларимиз барча масжидда бир вақтда дуога қўл очгани нур устига нур бўлди. Жамоат бўлиб қилинган бундай илтижолар ижобатидан мамлакатимиз янада раванқ топади, ҳаётимиз тинч ва фаровон, икки дунёимиз обод бўлади, иншааллоҳ.

Ойларнинг султони бўлган Рамазони шариф юртимиз аҳлининг ўзаро меҳр-оқибати ортиси билан бирга, хайрли ишларга бой бўлди. Айниқса, Президентимиз ташаббуси билан “Қўқсарой” қароргоҳида ўтказилган ифторлик маросими бутун юртимиз бўйлаб кенг қўлч эъди. Ушбу тарихий оқошда мамлакатимизнинг барча ҳудудиди, вилоят, шаҳар ва туманлардаги ҳамма маҳаллаю гузарларда ифторлик дастурхони ёзилди. Аҳил оила бўлиб яшаётган турфа миллатли халқимиз гўё бир дастурхон атрофида жамулжам бўлди. Унда Қуръони карим оятлари тиловат қилинди, нуруний ота-хонларнинг дуоси олинди, кўплаб инсонларга қувонч улашилди.

Давлатимиз раҳбари Наврўз умумхалқ байрамига бағишланган тантанали маросимдаги нуқтида дарёларимиз сувга, омборларимиз ҳосилга тўлишини сўраб билдирган эди. Буни қарангки, Аллоҳнинг фазлу марҳамати ила юртимиз бўйлаб икки-уч кун барака ёмғири ёғиб, қалбимизни янада ёритди.

Улуг кунларнинг мана шундай шукуҳли ўтиши, оилалардаги қувонч шодлиқлар, фарзанду набралар хурсандлиги Қодир Эгамнинг диёримизга ата этган тинчлик-хотиржамлик неъматини туфайлидир.

Сўнгги йилларда янги Ўзбекистонда “Инсон қадри учун, инсон бахти учун” деган эзгу ғоя асосида улкан ислохотлар амалга оширилмоқда. Хусусан, диний соҳадаги ислохотлар, янги очилган масжид ва мадрасалар, қайта обод бўлаётган қадимжолар, кўпайиб бораётган Қуръони карим курслари, ҳаж-умра қилувчилар сонин йил сайин ортиб бораётгани халқимизни мамнун этмоқда.

Хусусан, бу йилги Рамазон ойна халқимиз учун эсда қоларли тарихий воқеаларга бой бўлди. Ушбу кунларда Президентимиз Самарқанддаги Имом Бухорий ҳазратларининг мақбарасини зиёрат қилиш асосида мажмуадаги бунёдкорлик ишларини кўздан кечирди. Қуръони карим оятлари тиловат қилиниб, буюк аждодимиз руҳига баҳшида этилди.

Яна бир қувончли хабар бу йил юртимизда Имом Мотуридий таваллудининг 1155 йиллиги нишонланиши бўлди. Бу борада давлатимиз раҳбарининг алоҳида қарори чиқди. Мазкур ҳуқуқий ҳужжат халқаро майдонда ҳам Ўзбекистоннинг илму маърифатга эътиборини, бағрикенглик ва ҳамжиҳатлигини тарғиб этишга қаратилган саъй-ҳаракатини намоён этди.

Қутлуг ойдаги савобли амаллар “**Яшил макон**” умуммиллий лойиҳаси доирасидаги ишлар билан давом этиб, пойтахтимизнинг Бектемир туманида катта бир боққа асос солинди. Ҳадиси шарифда “**Қайси бир мусулмон дархот ё экин экса-ю, ундан қушми, инсонми ёки ҳайвонми еса, албатта, шу савобли у учун савдоқа бўлув**”, дея хушхабар берилган (Имом Бухорий ривояти).

Фазилатли ойда “Рамазон — саховат, бирдамлик ва бағрикенглик ойна” ғояси асосида эҳтиёжман, ижтимоий кўмакга муҳтож оилаларга моддий-маънавий ёрдам бериш анъанаси янгича мазмун касб этди. Ушбу улуг ойда юртимиздаги 9,5 мингта яқин маҳалладаги кам таъминланган ва эҳтиёжман оилалар учун ифторлик дастурхони ёзилди, хайр-саховат кўрсатилди. Шунингдек, ногиронлиги бор оилалар, Меҳрибонлик, Саховат ва Мурувват уйларида яшаётганлар ҳолидан хабар олиш каби савобли ишлар диларини шод этди. Зеро, Имом Абу Довуд ривоят қилган ҳадисида “**Заифларга (яхшилик қилиш билан) Менинг розилигини изланглар! Зеро, сизлар заифларингиз туфайли риқзланасиз**”, дейилган.

Кейинги йилларда хорижда ўқиётган ва ишлаётган ватандошларимизни қўллаб-қувватлаш бўйича ҳам салмоқли ишлар қилинмоқда. Рамазон ойна давомида бир неча уламоимиз АҚШ, Россия, Жанубий Корея давлатларига сафар қилиб, ҳамюртларимиз билан маърифий суҳбатлар уюштирди.

Рамазон ойнада нафсимизни имкон қадар тарбиялаш, гўзал хулқли бўлиш, ўзгаларга ёрдам бериш каби яхши хислатларга одатлантириш. Шунингдек, ўзимизни ёмон одат ва ишлардан тийишга ҳаракат қилиш. Энди мана шу яхши амалларни йил бўйи давом эттиришга жидду жаҳд қилайлик!

Дуолар ижобат бўладиган мана шундай лаҳзаларда Аллоҳ таолодан сўрайлик: бутун оламга тинчлик-хотиржамлик неъматини берсин, тараққиёт ва тўқинлигини зиёда ва доимий қилсин!

Халқаро анжуман



Малика ҚОДИРХОНОВА, сенатор

ПАРЛАМЕНТЛАРАРО ИТТИФОҚ ВА ЁШЛАР

Парламентларо Иттифоқ халқаро ҳамкорликни ривожлантириш ва демократик тамойилларни илгари суришда ҳам муҳим роль ўйнамоқда. Ташкилот фаолиятининг асосий йўналишлари ҳақида қисқача гапирадиган бўлсак, биринчи навбатда, парламент дипломатияси ҳақида тўхталिश жоиз. Зеро, ушбу нуфузли ташкилот турли мамлакатлар парламентлари ўртасида ҳамкорлик алоқаларини ўрнатиб, шу асосда қўшма муаммоларни муҳокама қилиш ва ечимлар топишда муҳим мулоқот майдонига айланди. Ташкилот парламентларга демократик тамойиллар, ҳокимиятнинг шаффофлиги ва ҳисобдорлигини мустаҳкамлашга қаратилган қонунийлик ташаббусларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда кўмаклашиб келмоқда.

Иккинчидан, тобора кучайиб бораётган геосиёсий таҳдидлар шароитида мазкур ташкилот мижозларини ҳал қилиш, халқаро ҳуқуқни ривожлантириш ва тинчликпарварлик фаолиятига кўмаклашиш борасидаги ролини кучайтирмоқда. Ташкилот инқирозларнинг олдини олиш ва мамлакатлар ўртасидаги ишончли мустаҳкамлаш воситаси сифатида парламентларо ҳамкорликни қўллаб-қувватламоқда. Зиддиятли ҳудудларда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, зўравонликнинг олдини олиш ва инсонпарварлик ёрдами кўрсатишга алоҳида эътибор қаратмоқда.

Учинчидан, мазкур тузилма эркин ва адолатли сайловларни фаол қўллаб-қувватлаб, сайлов жараёнида шаффофлигини таъминлаш ва давлат институтларига ишончли ошириш бўйича зарур тавсияларни ҳаётга таъбиқ этиб келмоқда.

Тўртинчидан, ташкилот фаолиятида ёшлар иштирокини кучайтириш масаласи устувор вазифалардан биридир. Тошкентда бўлиб ўтгани кутилаётган юбилей ассамблея кун тартибиди ҳам бу масала доирасида кенг миқёсда музокаралар ўтказиш белгиланган. Бинобарин, ёшларнинг парламент жаб қилиниши уларга сиёсий жараёнларда фаол иштирок этиш имконини яратди. Қолаверса, келажакда демократик бошқарув ривожига катта ҳисса



Бугунги кунда Парламентларо Иттифоқ энг йирик глобал парламентларо ташкилот ҳисобланади. Зеро, ушбу тузилма парламентларнинг 46 мингдан ортиқ аъзоси манфаатларини ифодалайди. Бу эса уни мулоқот, парламент дипломатияси ва халқаро ҳамкорлик учун энг муҳим платформага айлантirmoқда. Ташкилот миллий ва қонуний чиқарувчи органлар таърибиди ва амалиётини уйғунлаштириб, глобал муаммоларни бартараф этиш бўйича умумий стратегияларни ишлаб чиқишга кўмаклашмоқда.

қўшади. Глобал сиёсий қарорлар қабул қилишда уларнинг нуқтан назарини ҳисобга олиш, барқарор ва адолатли жамият барпо қилишга ёрдам беради.

Ўзбекистон аҳолисининг яримдан кўпрогини ёшлар ташкил этишини инобатга олсак, бу демографик кўрсаткич мамлакатни тез суръатларда ривожлантиришга кучли манба ҳисобланади, десак тўғри бўлади. Мамлакатимизда ёшларга доир кўплаб ислохотлар амалга оширилди. Кейинги 8 йил ичида ёшлар масалаларини тартибга солувчи 100 дан ортиқ қонун ва қонуности ҳужжат қабул қилинганини ҳам фикримизни тасдиқлайди.

2020 йилда Олий Мажлиснинг иккала палатаси ҳузурда Ёшлар парламенти ташкил этилган. Бу тузилма ёшлар манфаатларини ҳимоя қилиш, уларни қонунийлик жараёнидаги жалб этиш ва ёшлар билан давлат ўртасида кўпrik вазифасини бажариб келмоқда. Ёшлар парламенти ташкил этилгандан буён навқирон авлод вақиллари 100 дан ортиқ қонун лойиҳаси муҳокамаларида қатнашди. Парламент қўмиталари билан биргаликда 80 дан ортиқ назорат-таҳлил фаолиятини амалга оширди.

Айни пайтда Ёшлар парламенти ёшлар ва парламент ўртасидаги чинакам кўпrikча айланган. Ёшлар ўз тақлифлари ишонч айтиш имкониятига эга бўлди. Шунингдек, ёш авлодини қонунийлик жараёнидаги жалб қилиш мамлакат сиёсий маданиятини ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этади.

Умуман олганда, Ёшлар парламенти мамлакатнинг келажак бўлган ёш авлодининг овози билан эшитилишига хизмат қилмоқда. Ёшлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва муаммоларини ҳал этишда қонунийликнинг роли тобора ортиб борапти. Бу нафақат давлат сиёсатининг муваффақияти, балки ёшларнинг жамиятдаги фаол иштирокини таъминловчи амалий қадамлардир.

Аммо ҳозирги тежор замонда шу ютуқ ва натижаларнинг ўзи билан кифояланиб қолиш мумкин эмас. Парламентларо Иттифоқнинг 150-юбилей ассамблеяси бу борада ўзаро таъриба алмашиш учун яхши имкониятдир.

2025 йил – Атроф-муҳитни асраш ва “яшил иқтисодиёт” йили

ЭНЕРГИЯ САМАРАДОРЛИГИ МУАММО ҚАЕРДА, ЕЧИМ НИМАДА?

Хайрулло ҒАФФОРОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш масалалари қўмитаси раиси



Энергия самарадорлигини ошириш нафақат энергия ресурсларини тежаш, балки иқтисодий харажатларни, атроф-муҳитга салбий таъсирини камайтириш ва энергия таъминотини барқарорлаштириш имконини беради. Бу жараён иқтисодий ривожланишнинг асосий йўналишларидан бири бўлиб, ҳар бир давлатнинг энергетика сиёсатида асосий ўрин эгаллайди.

Мамлакатимизда энергияни тежаш, ундан оқилона фойдаланиш ва энергия самарадорлигини ошириш борасидаги изчил ислохотлар сабаби ҳам шунда. 2024 йил 7 августдаги “Энергияни тежаш, ундан оқилона фойдаланиш ва энергия самарадорлигини ошириш тўғрисида”ги қонун юртимизда энергия барқарорлигини таъминлашда муҳим ҳуқуқий асос бўлди. Бинобарин, унда энергияни тежаш, ундан оқилона фойдаланиш ва энергия самарадорлигини ошириш соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари, энергетика менежменти, энергия аудити, энергетика экспертизаси, энергия самарадорлигини ошириш йўналишлари ҳамда иқтисодий механизмлар белгилаб берилди.

Давлатимиз раҳбари раислигида шу йил 28 январь кунини энергетиканинг 2025-2035 йилларда ривожлантириш чора-тадбирлари бўйича ўтказилган йилгиликда ушбу масалага алоҳида эътибор қаратилиб, санаоатда энергия самарадорлиги орқали қўшимча 27 фойиз ички маҳсулот яратиш имконияти борлиги қайд этилди.

Хусусан, ҳозир кимё ва металлургия бўйича айрим маҳаллий корхоналарда энергия сарфи дунёдаги ўртача кўрсаткичга нисбатан 2 қарра, цемент ишлаб чиқаришда эса 1,2 баробар юқорилик юзга берилади. Ҳар бир тармоқда энергияни 10-15 фойиз иқтисод қилиш, 2030 йилда электр энергияси йўқотишларини ҳозирги 14 фойиздан 8-9 фойизгача тушириш вазифаси қўйилди.

Бугун ушбу масала жуда долзарб. Соҳадаги ишлар қўлагини янада кенгайтиришни талаб этади. Шу боис, жорий йил 27 мартда Президентимиз энергия ресурсларини иқтисод қилиш, истеъмол самарадорлигини ошириш ҳамда улардан оқилона фойдаланиш чора-тадбирлари бўйича яна бир муҳим йилгилик ўтказди.

Албатта, сўнгги йилларда иқтисодиёт соҳалари энергия самарадорлиги жиҳатидан янгила-

ниб, йирик корхоналар ва энергетика тармоқлари кесимида алоҳида дастур амалга оширилмоқда. 2030 йилга бориб, мамлакатимиз аҳолиси 41 миллионга етиши, иқтисодиёт 2 қарра ўсиши кутилляпти. Бу эса энергия ресурсларига талабни ҳозиргидан 1,5 қарра оширади.

Шунинг учун янги лойиҳаларни ишга тушириш, қувватни кўпайтириш билан бирга энергияни тежаш чораларини кўриш гоёт муҳим. Йилгиликда, биринчи навбатда, йирик санаот корхоналарида замонавий тежамкор ускуналар ўрнатиб, энергия исрофини камайтириш зарурлиги усту берилди.

Мамлакатимизда аҳолини электр энергияси билан барқарор таъминлаш баробарида ушбу майдонда масаласига бу даражада катта эътибор қаратилганди бежиз эмас. Чунки йилдан йилга табиий ресурслар камайиб бориши ва электр энергиясига талаб ортиши кузатилаётганда энергетика самарадорлиги ҳамда тежамкорлиги ўта муҳим вазифа.

Шу йил 19 февраль кунини давлатимиз раҳбари энергия самарадорлигини ошириш бўйича тақлифлар тақдими билан танишиш давомида ҳам масъуллар олдида аниқ вазифалар қўйди. Бу бежиз эмас, албатта. Бонис, Ўзбекистонда 1 долларлик йилги ички маҳсулот ишлаб чиқариш кўп дунёдаги ўртача кўрсаткичдан 2,5 баробар ўнги энергия сарфланяпти. Электр тармоқларидаги йўқотишлар 14 фойиз, табиий газда эса 7 фойиздан юқори. Жойларда энергияни тежаш имконияти илмий асосда ўрганилганда 7 та вилотда 4,6 миллиард киловатт-соат электр ва 1 миллиард куб метр газни иқтисод қилиш мумкинлиги аниқланган.

Шу ўринда ҳақиқ савол туғилади: хўш, бугун энергия самарадорлигини ошириш бўйича қандай муаммолар муважуд?

Биринчидан, айрим ишлаб чиқариш ва санаот корхоналарида маънан эскирган, кўп энергия талаб этадиган технологиялар ҳамда самарасиз инфратузилмадан фойдаланилатир.

Эски қурилмалар ва ишлаб чиқариш линиялари кўп энергия сарфлайди. Шунингдек, эскирган электр тармоқларидан фойдаланиш ҳам энергия йўқотишларига олиб келади. Бу, ўз навбатида, самарадорликни пасайтиради.

Иккинчидан, энергия тежовчи янги технологияларни жорий этиш учун катта молиявий маблағ талаб этилади. Бу эса кўпчилик давлатлар ва корхоналар учун қийинчилик туғдиради. Учинчидан, энергияни тежаш бўйича билим ва таъриба етарли эмаслиги ёки энергия самарадорлиги аҳамияти тўлиқ англаб етилмапти. Фойдаланилмаётган вақтда электр жиҳозларини ўчирмаслик, иситиш ва совитиш тизимларидан нотўғри фойдаланиш кабилар шулар жумласидан.

Мазкур масалаларни ҳал этиш, энергия самарадорлигини оширишнинг қандай ечимлари бор? Энг аввало, корхоналарда энергия ва ресурстежамкор замонавий технологияларни жорий этиш ҳамда инфратузилмани модернизация қилиш энергия истеъмолини камайтириш имконини беради. Электр узатиш линияларидаги йўқотишларни камайтириш, автоматлаштирилган бошқарув тизимларини жорий этиш ҳам самарадорликни янада оширишга хизмат қилади.

Рақамли технологиялар ҳамда “ақлли” энергия тармоқларини жорий этиш натижасида энергия беҳуди сарфлангани ва йўқотилиши камайд. Қуёш, шамол, сув ва биомасса каби қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш энергия самарадорлигини оширишга катта ҳисса қўшади.

Янги биноларни энергия сақлашни ҳисобга олган ҳолда лойиҳалаштириш, улар учун минимал энергия самарадорлиги талабларини белгилаш, иссиқлик изоляциясини яхшилаш орқали энергия сарфини камайтиришга эришилади. Бундан ташқари, энергия самарадорлигига эришиш борасида инвестицияларни жалб қилиш, бунга имтиёз ва субсидиялар жорий этиш ҳам натижа беради.

Биз парламент вакиллари сифатида соҳага оид қонун ҳужжатларини ислохотларга мос равишда тақомиллаштириш, энергия тежаш, ундан оқилона фойдаланиш ва энергия самарадорлигини ошириш бўйича аҳоли орасида тушултириш, тарғибот ишларини олиб боришимиз зарур.

Умуман олганда, энергия ресурсларини тежаш ва улардан оқилона фойдаланиш нафақат мамлакат иқтисодиётини ривожлантириш, балки атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ҳам катта ёрдам беради. Энергия ресурсларидан оқилона фойдаланмай, тармоқ ва худудларда, ҳам ижтимоий, ҳам иқтисодий соҳаларда энергия самарадорлигини таъминламай, тизимда юқори натижаларга эришиш қийин.

УШБУ МАҚОЛАНИ ҚОРАҚАЛПОҚ ТИЛИДА ҲАМ ўқиш учун QR-КОДИН СКАНЕР ҚИЛИНГ!





МАРКАЗИЙ ОСИЁ —

ФАРОВОН, БАРҚАРОР РИВОЖЛАНАЁТГАН, ИШОНЧ ВА ДЎСТЛИК МАКОНИ

Бошланиши 1-бегда

Кейинги йилларга келиб, Марказий Осиё давлатлари минтақавий ҳамкорлигининг янги моделини шакллантириш йўлида биргаликда қатъий қадамлар қўйди. Аввало, тарихи, дини, тили ҳамда қадриятлари ўхшаш бўлган дўст ва қардош халқлар ўртасидаги муносабатлар тикланди, ёпилган чегаралар очилиб, ўзаро борди-келди қайта жонланди. Минтақа мамлакатлари ягона иқтисодий макон сифатида бирлашди. Халқаро майдонда глобал масалалар юзасидан ягона позицияда эканлиги Марказий Осиёни фаровон ва барқарор ривожланаётган, ишонч ва дўстлик маконига айлантиришга замин яратди.

Минтақавий ҳамкорлигининг ўзаро ишонч ва ҳамжиҳатликка асосланган янги, самарали механизми шаклланиши жаҳон сиёсатшунослигида пайдо бўлган “Марказий Осиё руҳи” иборасини реал ҳақиқатга айлантирмоқда.

Албатта, давлатларимизнинг бир-бирига очилиши, яхлит минтақа сифатида бирлашишида Президент Шавкат Мирзиёев феноменининг ўрни бекинес. Зеро, давлатимиз раҳбарининг сиёсий иродаси ва ташаббуси билан Ўзбекистоннинг 2017 йилдан бошланган ташқи сиёсий фаолият концепциясида

Марказий Осиёда тинчлик ва барқарорликни таъминлаш энг устувор масала сифатида белгиланди. Шу асосда ўтган даврда қўшни давлатлар билан ўзаро дўстлик алоқаларини янада мустақамлаштириш, чегара, савдо-сотиқ борасида энгилликлар яратиш, минтақада энергетика хавфсизлигини таъминлаш, сувдан биргаликда фойдаланиш, логистика имкониятларини ишга солиш каби кўплаб истиқболли йўналишларда салмоқли, таъбир жоиз бўлса, тарихий натижаларга эришилмоқда.

Шу маънода, Ўзбекистон, Қирғизистон ва Тожикистон Президентларининг Хўжаанда бўлиб ўтadиган уч томонлама учрашуви минтақавий барқарорликни таъминлаш йўлидаги ўзаро ҳамкорликни мазмун ва сифат жиҳатидан янги bosқичга олиб чиқадди.

Кўйида ушбу давлатлар бир гуруҳ фаолларининг илк бор ўтиши кутилаётган уч томонлама саммитта доир фикр-мулоҳазаларини эътиборингизга ҳавола этамиз.



БУ ЙИЛГИ НАВРЎЗ ЎЗГАЧА

Ўринбой УСМОН, Тожикистон Ўзбекистон Иттифоқи аъзоси, Ўзбекистон Ўзбекистон уюшмаси фахрий аъзоси:

— Хўжаанда азалдан Наврўз катта таратқуд билан кутиб олинган, зўр хурсандчилик билан байрам қилинган. Болалар “Бойчекач” қўшигини айтиб, хонадонларга кўламан келганидан дарак берган. Кўм-кўк либос кийган толлар шоҳига арғимчоқлар илинган, кексалар, беморлар ҳолидан хабар олинган, дошқозонларда сумалак қайнатилиб, дастурхонларга етти хил ҳарф билан бошланган мева-салбавот, таом тортилган, улоқ, кураш, турли хил ўйинлари авжига чиққан, куй-қўшиқлар янраган...



Барбир бу йилги Наврўз тантанаси ўзгача. Байрам шуқуд кезиб юрган айни кунларда буюк шоирлар Камол Хўжаандий ва Махсудий, англмас лашкарбоши Темурилик юртига олиймақом меҳмонлар — Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Қирғиз Республикаси Президенти Садир Жапаров таширф буюрмоқда. Олий даражада меҳмонларга Тожикистон Республикаси Президенти Эмомали Раҳмон дўстлик ва меҳр-муҳаббатта лиммо-лим кучогини кенг очмоқда.

Хўжаандликлар қариндошдек яқин ўзбекистонлик ва қирғизистонлик меҳмонларни қайноқ бағрига босиш учун илҳақ турибди. Ўриннинг оппоқ гулдан тўн кийган қадимий шаҳар меҳмонлар пойқадамига етти эмас, санаб бўлмас тусда товланган гул-лолалардан пояндоз тўшамоқда.

Хўжаанд узра уч мамлакат байроқлари ҳилпиромоқда. Ҳар қадамда “Хуш келибсиз, азиз меҳмонлар!”, “Кош келингиз, урматуу коноктор!”, “Хуш омадед, меҳмонони азиз!” каби чорловчи ёзувларга, Ўзбекистон ва Тожикистон ҳамда Тожикистон ва Қирғизистон Президентлари бирга тушган суратларга кўзингиз тусадди.

Фурс-тожиқ адабиёти асосчиси, улуг Рудакийнинг бутун дунё халқлари тилига таржима қилинган сўзлари Хўжаанд бўйлаб ўзбек тилида янграйди: “Жаҳоннинг шодлиги йиғилса бутун, дўстлар дийдоридан бўлмас устун”. Устоз-шоғирд Абдурахмон Жомий ва Алишер Навоий бу таскидга амал қилиб, ўзбек ва тожиқ халқларининг бардавом дўстлигига тамаал тошини қўйган. Бу дўстлигини ХХ асрга келиб Мирзо Турсунзода ва Фафур Гулом давом эттирди. Ҳозир эса Шавкат Мирзиёев ва Эмомали Раҳмоннинг кучли сиёсий иродалари бонс, “икки тили бир халқ”нинг муайян муддат узилиб қолган дўстлиги мангута мустақамланди. Чегаралар қайта очилди, виза тартиби бекор қилинди.

Узилмас ришта боғлаган дўстлигимизга кўз тегмасин, деймиз-да, бенхитёр “айрим сабаблар” билан борди-келди тўхтаган вақтни эслаймиз. Кўз одимга Ўзбекистондаги онасининг жанозасига ўта олмаи, темир

панжарага суяниб йиғлаётган, икки боласини етаклаб олган аёл келади. Ортидан Тожикистондаги тоғасининг фотиҳасига бора олмаи, чегарачиларга ялина-ялина кўз ёши тўкиб, ноилж орта қайтиб кетган ака-сингиллар пайдо бўлади.

Айнан Шавкат Мирзиёев ва Эмомали Раҳмоннинг икки халқни бирлаштириш йўлида қўлни қўлга бергани туйғули ўша мазмун кунлар ортада қолди, тарих қаърига кириб кетди.

Чегаралар очилган кунни яхши эслаймиз. Конибодом ва Бешариқ ўртасидаги Патар-Андархон чегара-ўтказиш масканидан икки мамлакат раҳбарига узоқ умр, саломатлик, яхшилик тилаб дуога қўл очган отахон ва онахонлар, ёшлар кўз ўнгимга келади. Бешариқлик бир отахон саккиз яшар болакайни бағрига босади. Қайта-қайта юз-кўзидан ўлар экан, атрофдаги одамлардан беҳижолат кўзидан тинимсиз ёш тўкарди. “Шу кунларга етар эканмиз-ку! Одамлар, мен Конибодомга узатган қизимнинг ўғли — неварамни энди кўриб турибман. Саккиз яшар бўлибди. Бешариқда тўй қилиб бераман. Катта тўй. Неварамни кучогимга босишга имконий яратиб берган ҳар икки мамлакат сарварини умрим борича дуо қиламан”.

Бу сўзларни нутиб бўлар эканми?! Ана энди тўрт йилдан зиёд вақт давомида ёпиқ турган тожиқ-қирғиз чегара-ўтқиш масканларини ҳам очилди. Икки қўшни халқ узоқ пайт бир-бирига талпиниб яшаган эди. Кўп кутилган дийдор қайта насиб этди. Қариндош қариндошиникига бориб келатди, эски огаини дўстиникига.

Кейинги етти йилдан кўпроқ вақт давомида Ўзбекистон ва Тожикистон ўртасида юз берган муносабатларга кимнинг ҳаваси келмайди дейсиз! Иқтисодий, ижтимоий, маданий, адабий соҳаларда алоқалар кучайди. 270 та Ўзбекистон — Тожикистон кўшма корхонаси ишламоқда. Ўтган йили Тожикистонга энг кўп саяёх Ўзбекистондан келди. Агар маркази Хўжаанд бўлган Сугд вилоятини оладиган бўлсак, махсулот етказиб беришда ҳам, қабул қилишда ҳам шериклари орасида Ўзбекистон тўртинчи ўринга чиқиб олди. Гулистон шаҳри ва Бобожон Гафуров ноҳиясида Ўзбекистон билан ҳамкорликда металлургия корхоналари очилди. Хўжаандлик ишбилармон Тошкентда кўп қаватли уй қурмоқда...

Хўжаанда сайёҳлар кўришини истайдиган жойлар кўп. Бултур улар қаторига қайта тикланган Хўжаанд қаласи қўшилди. Бу миллий анъаналар асосида бунёд этилган қалъанинг безаклари, нақшинок кошонилари кишини ҳайратга солади. Ишбу санъат асарини яратишда тожикистонлик усталар билан биргаликда сармақандлик моҳир кошонкорлар ва риштонлик кулоллар ҳам меҳнат қилди.

Хўжаандаги санъат галереясида яқинда таниқли ўзбек расмоми, китоб графикаси устаси Аслиддин Калонунинг кўрғазмаси очилди. Кўрғазмадаги асарларни хўжаандлик томошабинлар завқ билан кўрди. Аслиддин Калонунинг асарлари орасида тожикистонлик ижодкорлар — Тожикистон халқ шоирлари Лойиқ Шерали ва Фарзона китобларига ишланган суратлар ҳам бор эди.

Кейинги йилларда Ўзбекистонда Тожикистон маданият кунлари, Тожикистонда Ўзбекистон маданият кунлари бир неча марта ўтказилди. Ҳар икки мамлакатда жондош халқлар киноси кунлари бўлиб ўтди. Кези келганда Ўзбек киносидан Нодирбағим, Майсара, Ўзбекиёим каби ўнлаб образларни гавдалантирган Тожикистон халқ артисти Сайрам Исаевага Ўзбекистоннинг “Олтин хумо” мукофоти берилганини эслаб ўтиш жоиз. Айнан Шавкат Мирзиёев тақлифи билан Мавлоно Абдурахмон Жомий ва Ҳазрат Мир Алишер Навоий, улар тимсоллида ўзбек-тожиқ халқлари дўстлигига бағишланган бадийий фильмини суратга олиш ишлари бошланмоқда.

Сайрам Исаева Ўзбек киносидан қатор роллар ижро этган бўлса, Ўзбекистон халқ артисти Ёдгор Саъдиев “Тожиқфильм”да образлар яратди. Томошабинлар “Мингархарлик очви” кўп серияли фильмида у маҳорат билан талқин этган образни ҳамон эслайди. Ўтган йили Ёдгор Саъдиев, Муножот Йўлчиева, Юлдуз Усмонова, Озодбек Назарбеков, Огабек Собировдек Ўзбек санъаткорларига Тожикистон, ўз навбатида, тожикистонлик Тўлқин Тожибоев, Фурқат Саидов, Раҳматилла Ҳошимов, Исмоил Нариев, Нигина Омонкулова каби машҳур санъаткорларга Ўзбекистон халқ артисти унвонлари берилди.

Бир муддат узилиб қолган таржимачилик ҳам кейинги йилларда қайта йўлга қўйилди. Ўзбекистонда тожиқ ёзувчилари ва шоирлари ижодидан намуналар киритилган тўлма нашр қилинди. Тожикистонда эса ўзбек адиблари асарлари киритилган тўлма чоп этилди. Мамлакатларимизда ҳар икки халқ ижодкорларининг китоби тез-тез нашр қилинмоқда. Тожикистонлик бир гуруҳ ўзбек ижодкорлари Ўзбекистон Ўзбекистон уюшмасига, Ўзбекистонлик бир гуруҳ тожиқ ижодкорлари эса Тожикистон Ўзбекистон иттифоқига аъзоликка қабул қилинди.

Менга таълим берган Ўзбекистон Миллий университети устозларини ҳеч қачон ёдимдан чиқармайман, мудом мамнулик билан эслаймиз. Ҳар икки мамлакат камтарин меҳнатини қадрлагани учун бошим осмонда. Тожикистонда менга Камол Хўжаандий ва Садриддин Айний номидаги адабий мукофотлар берилди. Ўзбекистонда эса журналистика соҳасида “Олтин қалам” мукофотига муносиб кўрилди. Ҳозир ҳар икки мамлакат халқларининг дўстлиги янада мустақамлашгани учун меҳнат қиляман.

Наврўзнинг халқ суйган, ажодлардан қолган хислатлари кўп. Янги авлод уларнинг ҳар бирини эъзозлаб, умрбоқий меросини ўғил-қизларига авайлаб етказмоқда. Оламшумул аҳамият касб этган ана шу хислатлардан бири дўстликдир. Бундан бир неча йил олдин Шавкат Мирзиёевнинг Хўжаанда ташрифи катта байрамга айланиб кетган эди. Ушанда Хўжаанд яқинидаги мухташам Арбоб қасрида ўтказилган тантанали йиғилишда Тожикистон Республикаси Президенти Эмомали Раҳмон сўзга чиқиб, Шавкат Мирзиёевни “Дўстлик меъмори”, деб атади. Менимча, бу сўзларни фақат Тожикистон ва Ўзбекистондагина эмас, балки бутун Марказий Осиё — Қозғистон, Қирғизистон ва Туркменистонда ҳам улуг неъмат — дўстликни қадрлаган ҳар бир оғил инсон такрорласа керак. Хўжаандаги мулоқот яна бир бор дўстлик байрамига айланганига ишонаман.

Тожикистон Республикаси



2016 ЙИЛДАН ДАВЛАТЛАРИМИЗ ЎРТАСИДА ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ ДАВРИ БОШЛАНДИ

Динара ЖУМАБОВА, Чингиз Айтматов номидаги халқаро Иссиккўл форуми вице-президенти:

— Кейинги йилларда Марказий Осиё давлатлари, жумладан, Ўзбекистон ва Қирғизистон ўзаро ҳамкорликни ривожлантириш ва мустақамлашга катта аҳамият бермоқда. Ушбу



яқин ҳамкорлик тарихий илдилар, умумий анъана, дин, тил ва маданиятга асосланади. Замонавий Қирғизистон ва Ўзбекистон ўртасидаги муносабатлар тарихан ягона минтақа

доирасида шаклланди. Сўнгги йилларда икки давлатнинг сиёсий, иқтисодий, маданий ва бошқа соҳалардаги икки томонлама муносабатлари ва дипломатик алоқалари мустақамлашиб бормоқда. Шунингдек, давлатларимиз кўплаб халқаро ва минтақавий ташкилотларнинг фаол аъзоларидир.

Ўтмишда умумий чегаралар тартибига солиниши, чегара постлари ёпилгани оддий халқ учун ўзаро борди-келдини мураккаблаштирган бор гап. 2016 йил Ўзбекистонда Шавкат Мирзиёев давлат бошқарувига келгани ва Қирғизистонда Президент алмашинуви билан икки давлат ўртасидаги муносабатларда ижобий, таъбир жоиз бўлса, тарихий ўзгаришлар кузатила бошлади. Маданий алмашинув, иқтисодий ўсиш, гуманитар алоқалар ва сиёсий муносабатлар дўстлик ва яхши қўшничиликни мустақамлашга хизмат қилмоқда.

Ўзбекистон — Қирғизистон ҳамкорлиги ҳозир ҳуқуқий жиҳатдан мустақам пойдеворга эга. Бу икки давлат парламентлари томонидан ратификация қилинган 200 дан ортқ ҳужжатни ўз ичига олади. Ушбу ҳужжатлар савдо, иқтисодий, фан, таълим, туризм, транспорт, тиббиёт, маданият ва бошқа соҳаларни қамраган.

Мухим ҳужжатлар қаторига Абдий дўстлик тўғрисидаги шартнома, Стратегик ҳамкорлик, дўстлик, яхши қўшничилик ва ишончли мустақамлаш декларацияси қиради. Ушбу келишувлар икки томонлама муносабатларни янада ривожлантириш учун зарур барча шарт-шароит яратди. Президентлар Шавкат Мирзиёев

Қирғиз Республикаси

ИККИ ТИЛДА СЎЗЛАШУВЧИ БИР ХАЛҚ

Дилоромхон ДАДАБОВА, Республика Маънавият ва маърифат маркази Риштон тумани бўлими раҳбари:

— Ўзбек билан тожиқни бир-бирига боғлаб туривчи ришта кўп. Халқларимизга азалдан бир дараёнд сув инган, қариндошлик ришталарини боғлаган, икки тилда сўзлашувчи бир халқ дея таъриф берилади.

Дарҳақиқат шундай: ўлмас миллий ва диний қадриятлар, урф-одат, қуд-андачилик, яхши қўшничилик сингари маънавий алоқалар асрлар давомида шаклланиб келган.

Бир пайтлар бу ўлмас анъаналарни узниш, икки халқни бир-биридан айиришга уринишлар бўлди. Чегара-ўтқиш постларига бетон тўсиқлар қўйилди. Натижада ўзаро борди-келди, қариндошлик, биродарлик ришталари заифланди. Яқин жигаргўшасининг қувончли кунларига шерик, қийналган дамларда елкадош бўлмай, чегара ортида туриб,

хун-хун йиғлаб ортага қайтган қорақўзларни асло нутиб бўлмайдди.

Меҳр кўзда, деганлари рост. Кейинги саккиз йилда давлатларимиз ўртасидаги яқин ҳамкорлик туйғули икки халқнинг дўстлик алоқалари янада мустақамланди, ривожланди. Савдо-сотиқ, сармоя, ижтимоий, маданий соҳаларда изчил ривожланиш bosқичи бошланди. Энди нафақат давлатлар, балки вилоятлар ўртасида ҳам ҳамкорлик йўлга қўйилди.

Хусусан, Фарғона ҳамда Сугд вилоятлари ўртасида қадим алоқалар тикланди, янги ривожланиш bosқичига чиқди. Бешариқ туманидаги “Ровот” ва “Андархон” чегара постлари аҳоли ва транспортларнинг чегарадан соддалаштирилган тартибда ўтиш тизими жорий қилинди. Мухими, икки халқ ўртасида дўстлик, ҳамжиҳатлик ҳар жабҳада буй кўрсатмоқда, янги ташаббуслар қўллаб-қувватланапти.

Риштон туманида ўзбек-тожиқ дўстлик жамияти фаолият юритиб келмоқда. Туман марказида жамият учун замонавий бино қурилди. Миллий меъморлик андозалари билан уйғунлашган мажмуада икки миллат вакиллари тарихий дўстлигини ифодаловчи буюк сиймолар, шоир ва ёзувчилар, фан арбоблари, маданият ходимлари ҳаёт тарзини кўрсатувчи лавҳалар, фотосуратлар, тасвирий ва амалий санъат, хунармандлик махсулотлари кўрғазмасига алоҳида ўрин ажратилган. Кутубхона фонди ўзбек-тожиқ адибларининг сарона асарлари билан бойитиб борилаяпти.

Шунингдек, фан, маданият, санъат соҳасида катта ютуқларга эришган икки миллат вакилларининг улуг сиймолари ҳақида қизиқарли маълумотлар жамланган.

Риштонда воғга етиб, Тожикистонда яшаб ижод қилган, эл қорига камбарбаста инсонлар кўп. 1910 йилда туғилган Муҳаммаджон Қосимов ана шундай фозил кишилардан эди. У Тожикистон театр ва кино санъатини ривожлантириш, иқтидорли ёшларга таълим-тарбия берган буюк санъат арбоби сифатида қадрланади.

Аҳмаджон Ҳисомидинов ўтган асрнинг 50-йилларида ёш мутахассис сифатида Ўратена

ва Садир Жапаровнинг саяё-ҳаракати туйғули давлатларимиз ўртасида сиёсий ҳамкорлик мустақамланди ва кенгайди. Бу эса, ўз навбатида, ўзаро ишонч ва яхши қўшничилик асосида ҳамкорликнинг янада ривожланишига олиб келмоқда. Йиллаб бир-бирини кўришга муштоқ бўлган қон-қариндошлар энди бир-бириникига эмин-эркин бориб келяпти.

Давлатларимиз етакчиларининг қатъий сиёсий иродаси натижасида икки қардош халқ тинчлик ва тувуғликда яшаши учун барча зарур шарт-шароит яратилди. Давлат чегараларининг халқаро нормаларга мувофиқ хал қилиниши икки мамлакат ўртасидаги савдо-иқтисодий ва маданий алоқалар ривожига баробардча бутун Марказий Осиё минтақаси тараққиётига ҳам хизмат қилмоқда. Ушбу чора-тадбирлар аҳоли турмушини яхшилаш, янги иш ўринлари очиш, иқтисодий ривожлантириш ва чегарадош ҳудудларда хавфсизликни таъминлашда муҳим аҳамиятга эга.

Бугун Ўзбекистонда қирғиз капиталли иштирокида 200 дан ортқ корхона фаолият юритаётди. Уларнинг аксарияти кўшма корхоналардир. Статистик маълумотларга кўра, сўнгги йилларда тахминан 2,5 миллион Ўзбекистонлик мамлакатимизга келган. Қирғизистондан Ўзбекистонга борган сайёҳлар сони эса 1,5 миллиондан ошган.

Ўзбекистон Қирғизистонга улкан sanoat имкониятларини тақдим этмоқда. Бу нафақат савдо-иқтисодий, балки автомобилсозлик соҳасидаги ҳамкорликни ҳам ўз ичига олади. Масалан, 2024 йилда Қирғизистоннинг Ак-Суу қишлоғида “UzAuto Motors” компаниясининг автомобиль йиғиши заводи иш бошлади.

Шунингдек, Ўзбекистон ва Қирғизистон маданий-гуманитар соҳадаги ҳамкорлиги ҳам ривожлантириб бормоқда. Ўзбекистонда 6 та Қирғиз маданий маркази ва қирғиз тилида таълим бериладиган 50 дан ортқ мактаб фаолият юритмоқда. Андижон педагогика университетида қирғиз филологияси факультети очилган. Икки давлат ҳукуматлари маданият ва туризмни ривожлантириш мақсадида турли тадбирлар ташкил қилиш ва кўшма делегациялар иштирокини таъминлашга катта эътибор қаратмоқда.

Умуман олганда, давлатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик дўстлик ва яхши қўшничилик тамойиллари асосланган ҳолда ҳар томонлама ривожланиб бормоқда. Давлатлар нафақат ҳозирги даражадаги дўстона ва стратегик ҳамкорлигини сақлаб қолиши, балки уни янада мустақамлаштириш ва ривожлантириш давр талабидир.

Шу маънода, Ўзбекистон, Тожикистон ва Қирғизистон етакчиларининг Хўжаанда бўлиб ўтadиган уч томонлама учрашуви нафақат давлатларимиз, балки минтақа мамлакатлари ўртасидаги ҳамкорлик ривожини янги bosқичга олиб чиқишга замин яратиши билан аҳамиятлидир.

Қирғиз Республикаси



туманига ишга бориб, халқ хўжалигининг турли соҳаларида самарали меҳнат қилган. Шу туйғули элда ҳурмат-иззат топган. Депутат этиб сайлангани ҳам бунни тасдиқлайди. У автобиографик китобида туйғули ўсган юрти, самимий, дилқаш риштонликларини алоҳида эътироф этади.

Икки халқ ҳамжиҳатлигига оид жуда кўп мисол келтириш мумкин. Қадри балинд қадриятлариники кундан кунга ривожланиб бормоқда. Тожикистон Президентининг ташаббуси билан “Учарик” маҳалла фуқаролар йиғинида 200 ўринли “Шапарак” мактабига таълим ташкилоти қуриб битказилди. Туманида 29-мактабда тожиқ тилида таълим бериладиган ўқув синфлари мавжуд. Муассасани керакли қўллаш ва адабиётлар билан таъминлашда тожикистонлик ҳамкорларнинг хиссаси катта бўлмоқда.

Ўзбек-тожиқ дўстлик жамияти ана шундай умрбоқий ришталарни мустақамлашга алоҳида эътибор қаратиб келмоқда. Бу ерда икки халқ дўстлиги, ҳамжиҳатлигига оид қўллаб маданий-маърифий кеча ва учрашувлар, дилқаш сўхбатлар ўтказиши яхши анъанга айланган.

Таҳлил

Юртимиз жамоат транспорти кейинги йилларда энг кўп танқид қилинадиган соҳадан катта ислохотларга юз бўриб, сезиларли янгиланишлар олиб кирилган тизимга айланди. Ҳозир одамлар доимий қатнов учун автобус ёки метрода ҳаракатланиш анча қулайлиги ҳақида гапиряпти. Амалиётда ҳам йўловчилар оқими ошиб бораётганини кўриш мумкин, рақамлар тез-тез янгиланяпти.



Ирода ТОШМАТОВА, “Янги Ўзбекистон” мухбири

Жумладан, шу йилнинг 5 февраль кунни яна бир рекорд рақам қайд этилиб, пойтахтимиз автобусларида бир кунда ташилган йўловчилар сони салкам 1,5 миллион нафарга етди. Тошкент метрополитенида эса ўтган йилги рекорд даражада — 270,3 миллион йўловчи ташилиб, 2023 йилдагига нисбатан 57,2 фоиз ўсиш кузатилади.

Умуман, шаҳар жамоат транспорт тизими ҳар жиҳатдан ривожланаётгани пойтахт аҳолиси ҳамда меҳмонлари орасида оммалашшига хизмат қилляпти. Фойдаланиш кўрсаткичларига яраша хизмат кўрсатиш сифати ва турлари ҳам кенгайиб бормоқда. Бойси, юртимизда аҳоли учун қулай, хавфсиз жамоат транспортини яратиш мақсад қилинган. Бу борада “Ўзбекистон — 2030” стратегиясида ҳам аниқ вазифалар белгиланган. Асосийси, бу ўзгаришлар турмушимизда акс этиб, одамлар жамоат транспорти қулайликларидан кундалик ҳаётда фойдаланяпти.

— Жамоат транспорт тизимини тўғри йўлга қўйишни даврнинг ўзи талаб қилмоқда, — дейди Транспорт вазирлиги Автобуслар ва жамоат транспорти департаменти бошлиғи Воҳид Исмоилов. — Шу боис, бугунги кунда аҳолининг жамоат транспортига эҳтиёжини тўлиқ тазминлаш, унинг қарорини кенгайтириш бўйича жадал ишлар амалга ошириляпти. Очиги, йиллар давомида бу йўналишда етарли эътибор қартилмагани боис, аҳолининг жамоат транспортга ишончи билан бирга фойдаланиш кўрсаткичлари кескин тушиб кетганди. Буни ўзгартириш Тошкент шаҳрида аниқ кетма-кетликда кечди. Натияжада 2022 йилда пойтахтда автобуслар ҳаракат таркиблари сони 1400 тадан кўпроқни ташкил этган бўлса, 2024 йилга келиб, 1900 дан ошди. Шаҳар жамоат транспорти ҳаракат таркибини ўзгартириш билан боғлиқ энг катта ўзгаришлар 2023 йилда содир бўлди. Тошкент шаҳри учун катта ва ўта катта ҳажмли 1000 дона автобус олиб келинди. Шундан сўнг маҳаллий ва хорижий мутахассислар иштирокида шаҳар транспорти бош режаси ишлаб чиқилди. Мана шу режа асосида шаҳар автобус йўналишлар тармоғи бутунлай қайтадан тузилди. Бир-бирини такрорловчи, метрополитен линиялари билан устма-уст тушиб қолган йўналишлар олиб ташланди ва йўналишлар тармоғи оптималлаштирилди.

Автобуслар интерваллари оралиғи 20-30 дақиқагача қўзилгани ҳали узоқ ўтмишга айланмаган. Транспортнинг аксарияти кичик ҳажмга ўтказилганда, уларнинг салони катта сизимга эга бўлмаган. Бундан одамлар норози бўлавериб, охири жамоат транспортдан ҳафсаласи пир бўлгани, фойдаланмай қўқоқгани ҳам сир эмас. Мана шу жараёнлар боқсичма-боқсич ҳал этилиб, тизимли муаммолар ечилди. Ҳозир Тошкент шаҳрида ҳаракатланаётган автобуслар оралиқ интервали 10 дақиқагача тушган, баъзи йўналишларда 12 дақиқани ташкил этапти. Аввалги автобуснинг ўзида кунига 400-500 минг атрофида йўловчи ташилган бўлса, бугунги кунда ушбу рақам 1 миллион 200 мингга етди.

Бошқа рақамларга ҳам тўхталсак, ўзгаришлар яққолроқ кўринади. Хусусан, сўнгги икки йилда Тошкент шаҳрида автобуслар сони икки баробар, уларнинг ўртача сизими эса 74 фоиз ошди. 164 та йўналишдан иборат янги йўналишлар тармоғи ҳамда автобуслар учун алоҳида 53,4 километр йўлақлар жорий этилди. Аини пайтда юртимиз бўйлаб жами 3708 та йўналиш мавжуд бўлиб, уларда жами 32 минг 267 та автотранспорт воситаси ҳизмат кўрсатмоқда. Шундан 5370 таси автобус, 2807 таси микроавтобус ҳамда 24 минг 90 таси энгил автотранспорт воситасидир. 2030 йилга қадар ҳаракат таркибини 7 мингтага етказиш бўйича йиллар кесимида режа ишлаб чиқилган.



ЖАМОАТ ТРАНСПОРТИДА

НАҚД ПУЛСИЗ ТЎЛОВ

ТЕЖАЛАЁТГАН ВАҚТ, ТУШУМИ ОРТАЁТГАН МАБЛАҒ ВА 800 ДАН ОРТИҚ ЧИПТАЧИ ТАҚДИРИ

Жамоат транспортдан фойдаланувчилар сони ҳам икки баробар ошган. Биргина Тошкент шаҳрида аини пайтда 5 миллион аҳоли мавжуд бўлиб, шундан мобил (ҳаракатдаги) одамлар сони ўртача 3,5 миллион кишини ташкил қилади. Таҳлилларга кўра, шаҳар аҳолининг кунлик ҳаракатланиши (қатнови) сони ўртача 9 миллионга ташкил этиб, шундан 33 фоизи жамоат транспорт ҳиссасига тўғри келяпти. Кўриляётган барча чора-тадбирлар, янгиланишлар бу кўрсаткични янада оширишга қаратилган.

Замонавий автобуслар анча қулай

Жамоат транспорти одамлар учун арзон, хавфсиз йўловчи воситаси экани жаҳон таърибидан маълум. Аиниқса, йўларда тир-бандликлар олиб бораётган ҳозирги даврда жамоат транспортдан фойдаланиш анча самарали. Яъни бундай турдаги транспорт воситалари сони нафақат Тошкент шаҳри, балки юртимизнинг барча ҳудудларида кўпайтириш, ушбу хизмат турини ривожлантиришга зарурат бор.

Тошкент шаҳрида йўловчи ташиб била асосан, “Тошшаҳартрансизм” АЖ шугулланса, вилоятларда тўлиқ хусусий секторга берилган. Авваллари йўналишда кўрсатган хизматига яраша кафолатланган маблағни тўлаш механизми бўлмагани сабабли бу фаолият тадбиркорларни қизиқтирмай қўйган. Бунинг ортидан ҳудудларда жамоат транспортнинг асосий воситаси бўлган автобусларни сотиб олиш кўрсаткичи пайсий кетганди. Аммо транспорт хизматлари кўрсатишда молиялаштиришнинг янги брутто-шартнома тизимига ўтилган.



тадбиркорларда рағбат ошди. Натияжада улар соҳага катта қизиқиш билан кириб келяпти. Ҳудудларда замонавий автобуслар харид қилиш кўпайиб, йўналишларга чиқарилмоқда. Ўтган йили ҳудудларда жами 741 та автобус харид қилиниб, 275 та автобус харид қилиш учун тўловлар амалга оширилган. Жорий йил январь-март ойларида яна 59 та автобус сотиб олинди.

Масалан, ўтган йилнинг январь ойда Қашқадарь вилоятида тадбиркорлар томонидан 26 та замонавий автобус олиб келинди. Йил охиригача уларнинг қаторига яна ўнлаб автобус қўшилди. Бундай автобуслар ички салони кенглиги, ёзда салқин, қишда иссиқ бўлиши, замонавий қурилмалар билан жиҳозлангани одамларга фойдаланишда қулайлик туғдиради. Аҳоли аллақачон замонавий автобусларга мослашиб улгурди, энди кичик ҳажмдаги, иситиш-совитиш имкониятлари бўлмаган жамоат транспортни инсонлар учун нафақат ноқулай, балки эътирозларга ҳам сабаб бўлади.

Бу борадаги ишлар Нукус шаҳрида ҳам жадаллашиб бормоқда. Шаҳарда жами 15 та автобус йўналиши ташкил этилиб, уларга 188 та автобус олиб келиш режалаштирилганди. Ўтган йил бошида қиймати 11 миллиард сўмлик дастлабки 12 та “YUTONG” автобуслари олиб келинганди. Шундан сўнг бирин-кетин маҳаллий тадбиркорлар томонидан

Хитой компаниялари билан замонавий автобусларни харид қилиш бўйича шартномалар имзоланди. Келишувларга кўра, Олмалиқ, Термиз ҳамда Тошкент шаҳрига замонавий автобуслар олиб келинади. Жумладан, тадбиркорлар томонидан Олмалиқ шаҳрига 83 та, Термиз шаҳри учун 100 та автобус харид қилиш кўзда тутилган. Бу орқали аҳолига кўрсатиляётган жамоат транспорт хизматлари сифати ошиб боради.

— Янги автобуслар ҳар томонлама қулай. Ичи кенг, шараптарга эга, — дейди йўловчилардан бири Оспан Жутунов. — Аввал манзилга, асосан, йўналишга тақсиларда қатнаганмиз. Автобус ундан анча арзон. Қолаверса, қарияларга автобуснинг кенг салонида ўтириш анча қулай. Йўл ҳақининг электрон тизимга ўтказилгани ҳам одамларга энгиллик яратган.

Ҳозир жамоат транспорт тизими ҳам, одамлар ҳам электробусларга устунлик беряпти. Экологик тоза, атмосферага зарарли газлар чиқармайдиган ушбу транспорт воситаси ортиқча шовқинсиз, анча энгил ҳаракатланиши билан афзалликка эга. Аини пайтда Тошкент шаҳрида уч юздан ортиқ электробус ҳаракати йўлга қўйилди. Бугунги кунда пойтахт жамоат транспорт (автобус) йўналишларининг 27 таси тўлиқ электробуслардан иборат ҳаракат таркибига ўтказилган. Электробуслар ҳаракатланаётган йўналишлар тармоғининг умумий узунлиги 508 километрдан ортиқни ташкил этамоқда. Тошкент шаҳридаги барча — 320 та электробус тасаруф этилиши натижада атмосферага йилга 15 минг тонна CO₂ ташланмалари қисқаришига сабаб бўлмоқда. Жорий йилда яна 200 та электробус ва улар учун қувватлаш ускуналари харид қилинади. Бу орқали пойтахтдаги мавжуд автобус йўналишларининг ҳаракат таркиби сонини кўпайтириш ва янги ташкил этиладиган йўналишларда тасаруф этиш режалаштирилган.

Жамоат транспортнинг экологик тоза турига ўтиш бошқа ҳудудларда ҳам фаоллашган. Хусусан, Европа тикланиш ва

тараққиёт банки билан ҳамкорликда “Яшил шаҳарлар” дастури доирасида ўтган йили Самарқанд шаҳри учун 100 та “YUTONG” электробуси харид қилинди. Шунингдек, жорий йилда Наманган ҳамда Нукус шаҳарларига ҳам замонавий электробуслар харид қилиш режалаштирилган. Бундан ташқари, Андижон вилоятига 100 та электробус олиб келиш ишлари бошланган. Бу борада Хитой компаниялари билан музокаралар ўтказилмоқда.

Қай бири афзал: нақд пулни ёки электрон тўлов?

Юртимиз жамоат транспорт ҳақида гап кетганида, кейинги йилларда тўлов тизимининг электрон шаклга ўтиб, қулайлигини янада оширгани кўзга ташланади. Даставвал, махсус транспорт карталаридан фойдаланиш — АТТО тизими жорий этилди. Бунда нақд пулда тўловни амалга оширдиган кўра, махсус картадан фойдаланганларга ўтиш тартиби режалари тартибдаги арзонлаштирилган чегирмалар тақдим этилди. Муайян вақт давомида аҳоли ихтиёрий тарзда транспорт карталаридан фойдаланиш кўникмасига эга бўлди.

2024 йилда АТТО тизимидан фойдаланиш пойтахт ва вилоятларда кундалик қатновларнинг муҳим қисмига айланиб, маълумотларга кўра, 256 минг 175 та транспорт картаси сотилган, АТТО мобил иловасидан фойдаланувчилар сони эса 740 мингдан ошган. Жамоат транспортда ўтган йили амалга

малар ўрнатилмагани, электрон картаси бўлмаган одамлар тўловни амалга оширмасдан автобусдан тушишга мажбур бўляётганидан норози. “Автобусчи нақд пул олмайди, шундай тушиб кетаверинг, деб айтди”, дейди иктомий тармоқ фойдаланувчиларидан бири. Бошқа биров эса “Бир марталик чипта олиш учун инфокиоск қидириб юришга тўғри келяпти, бу анча ноқулай” деса, яна бошқаси “Жамоат транспортдан доимий фойдаланмайдиган биз каби одамларга нақд пулда тўлаш анча қулай эди”, деган изохларни қолдирган.

Транспорт вазирлигининг дастлабки ҳабарларида янги тизимга ўтишда барча қулайликлар яратилгани айтилди. Йўловчилар тўлов қилишда транспорт картаси ёки исталган турдаги банк картасидан фойдаланиши, шунингдек, Тошкент шаҳри бўйлаб ўрнатилган 5 мингдан ортиқ “Paynet”, “MultiPay” ва “Osos” инфокиоскдан бир марталик QR-чипта харид қилиши мумкинлиги келтирилди. Ушбу тартиб амалиётга жорий этилган эса одамларда муаммолар, ноқулайликлар юзага кела бошлади. Кўпчилик банк карталарига эга эмаслиги, борлари ҳам қабул қилинмаётгани, инфокиосклар сони эса камлиги, чипта олиш учун уларни қидириш ке-раклиги каби важларни келтирган. Янги тартиб ноқулайлик туғдираётгани сабабли нақд пул қабул қилиш амалиётини қайтаришни сўраганлар ҳам бўлди.

Мирақоб ИКРОМОВ, Тошкент шаҳри транспорт ва йўл транспорти инфратузилмасини ривожлантириш бош бошқармаси бошлиғи:

— Январь ойи давомида янги тизим айрим йўловчиларда тушунмовчилик ва турли саволларни келтириб чиқарди. Бу ҳали кўпчиликда электрон тўлов борасида етарли кўникма мавжуд эмаслиги билан боғлиқ эди. Асосий масала QR-чиптани сотиб олиш, электрон тўлов усулларининг қайси биридан фойдаланиш билан боғлиқ. Ваҳоланки, исталган турдаги тўлов карталаридан фойдаланиш имконияти яратилган. Автобусларда тўловларни транспорт картаси (АТТО), банк чипта карталари, мобил иловалар орқали ҳам амалга ошириш мумкин. Аслида, тўлов карталаридан фойдаланиш одамларнинг ўзлари учун қулай, чунки карталарнинг ҳар бири учун тарифлар бўйича чегирмалар мавжуд. Электрон тўлов тизимларида тўлов қилдиган йўловчилар учун йўл ҳақи аввалгидек 1700 сўм ҳолида сақланган, алмашиладиган тарифлардаги чегирмалар ҳам ўзгаришсиз қолди. Фақат QR-чипта нархи 3000 сўм этиб белгиланди. Карта сотиб олиш имкони бўлмаганлар учун тўлов турининг виртуал шакллари ҳам бор.

Бир марталик QR-чипталарни ўз-ўзига хизмат кўрсатадиган инфокиосклар орқали харид қилиш мумкин. Бугунги кунда Тошкент шаҳрида 2600 дан ортиқ автобус бекати бўлса, ўрнатилган инфокиосклар сони 5100 тани ташкил этапти. Уларнинг аксарияти тўғридан тўғри бекатда жойлашган, қолгани бекат атрофидаги 300 метр радиусдаги манзилларда ўрнатилган. Шунингдек, йўловчилар талаб ва тақлифларидан келиб чиқиб, қўшимча равишда яна 600 дона инфокиоск ўрнатилди. Бу инфокиоскларни ўрнатиш учун давлат бюджетидан ҳеч қандай маблағ сарфланмади, барчаси тадбиркорлик субъектлариники. Мазкур инфокиосклар бир марталик QR-чиптани сотишдан ташқари, яна 10 дан ортиқ хизмат кўрсатади. Аҳоли томонидан тўлов қилинган, инфокиоскнинг чипта қозғош тугаб қолгани билан боғлиқ эътирозлар ҳам бўлди. Бундай вақтда чиптани йўловчи ўз смартфонини ёрдамида расмга олиб, ўша орқали тўловни амалга ошириш имконияти мавжуд.

Шу билан бирга, замонавий гаджетлардан ҳамда ўз-ўзига хизмат кўрсатиш кноскларидан фойдаланиш кўникмаларига эга бўлмаган йўловчиларга қулайлик яратиш, қолаверса, инфокиоскларнинг қайтим қайтармаслик билан боғлиқ жиҳатларига ечим сифатида QR-чипталарни PAYNET шохбачалари орқали ҳам сотиб олиш имконияти яратилди. Бу каби шохбачалар сони

шаҳар бўйлаб 2700 тани ташкил этмоқда. Натияжада QR-чипталарни шаҳар бўйлаб жойлашган 8 мингга яқин нуқтадан сотиб олиш мумкин. Шу ўринда бир жиҳатга алоҳида эътибор қаратиш лозим. Аксарият хорижий давлатларда электрон тўлов тизимида фақатгина битта транспорт картасига боғлаб қўйилади. Бизда эса чеклов йўқ, исталган банк картаси ўтади. Хориждан келадиган меҳмонларнинг аксариди Visa ва MasterCard бор. Ана шулар ёрдамида ҳам тўловларни бемаалом амалга ошириш мумкин.

Умуман, жамоат транспортда тўлиқ электрон тўлов тизимига ўтиш амалиётини бекор қилиш назарда тутилмаган. Аксинча, тизим доимий такомиллаштириб борилади. Чунки уни жорий этишдан қўзланган мақсад, аввало, қулайлик ва хавфсизлик. Аввал нақд пулда тўловлар мавжуд бўлганда, автобуслар иштирокидаги йўл-транспорт ҳодисалари, бекатларда ортиқча туриб қолиш, қайтим билан боғлиқ муаммолар кузатилади. Ҳозир шуларга чек қўйилди.

Мазкур тизимни амалиётга жорий этишдан қўзланган асосий мақсад ҳам жамоат транспортда ташувлар хавфсизлигини таъминлаш билан боғлиқ. Зеро, аввалги тизимда “кунлик план” деган тушунча мавжудлиги боис, ҳайдовчи бор эътиборини тўлиқ ҳаракат хавфсизлигига қаратиш имкониятига эга эмас эди. Янги тизим жорий этилиши натижасида 2025 йилнинг январь ойи давомида жамоат транспортда содир этилган қондабузарликлар икки баробар, автобус иштирокида ИТХ сони 28 фоиз камайди. Шунингдек, ҳайдовчилар томонидан кўпроқ йўловчи йиғиш мақсадида бекатларда узоқ муддат тўхтаб қолиш (оралиқ интервални бузиш), йўловчи талашиб пойга ўйнаш ҳолатларининг олди олинди.

Йўловчилар 3,2 миллиард сўм тежаган

“Электрон тизимга тўлиқ ўтиш, йўловчи билан ҳайдовчи ўртасидаги бир-бири билан тўғридан тўғри муносабатга киришиш имконияти тўлиқ чекланди. Асосий эътиборни ҳаракат хавфсизлигига қаратяпмиз”, дейди ҳайдовчилардан бири. Ҳисоб-китобларга кўра, нақд пулда тўлов қилишга чек қўйилгандан кейин автобуслар қатнови мунтазамлиги ҳам 28 фоиз ошган.

Янги тўлов тизими жорий этилганидан бир муддат ўтиб, автобустга чиқишимга тўғри келди. Исталган банк картаси ўтади, деган хабарни ўқиганим учун ўзимдаги банк пластик картаси орқали тўлов қилишга уриндим. Аммо пул ечиб олинмади. Хижолат бўлиб, автобус ҳайдовчисига нақд пул узатганим, олмади, тушиб кетаверганимни айтди. Узимга жуда ноқулай бўлди. Ишончага келиб, ҳамкасбларимдан сўраганимда, эски турдаги банк картаси ўтмаслигини айтишди. Яна бир кун автобустга чиқишимга тўғри келганида, АТТО мобил иловасини ўрнатиб олди, у орқали тўлашга ҳаракат қилдим. Аммо ўрнатишда хатоликка йўл қўйганим учун удалай олмадим. Эътибор берсан. Click мобил иловаси орқали ҳам тўлов қилиш мумкин экан. Махсус QR-кодни сканер қилганимни биланман, дарров тўлов қабул қилинди.

Айтмоқчи бўлганим, чиндан ҳам, автобусларда электрон тўлов қилишнинг бир қанча имкониятлари яратилган. Бири бўлмаса, бирдан фойдаланиш мумкин, бир оз кунг қилинса бўлгани. Ахир ҳозир замонавий технологиялар даврида яшаймиш, ҳар биримизнинг қўлимизда янги русумдаги телефон қурилмалари, уларга керакли иловаларни юклаб олиш эса ҳеч қанча вақт олмайди.

Буни тушунган юрдошларимиз электрон тўлов тизими анча тежамкор ва афзалликка эга эканини айтяпти. Шу борада кичик маълумот: жорий йил январь ойда жамоат транспортда АТТО транспорт ва виртуал карталари орқали 15,2 миллион тўлов амалга оширилган бўлиб, йўловчилар тарифлар орқали 3,2 миллиард сўм тежаган.

— Олдиндан транспорт картасидан фойдаланаман, шунинг учун янгисига алмаштириб ўтирмадим, — дейди йўловчилардан бири. — Картадан фойдаланиш анча қулай, аввалгидек нақд пулда тўлов учун автобус ичиди тикилчилар бўлмаяпти, қайтим кутишга ҳам ҳожат йўқ. Тўлов нархларида имтиёзлар бор. Иккинчи автобустга чиққанда нарх тушади, учинчисида эса бепул.

— Жамоат транспортда тўлов тўлиқ электрон тизимга ўтган, “яширин қиктисодиёт”нинг ҳам олди олинмоқда, — дейди “Тошшаҳар-трансизм” АЖ бошқаруви раиси вази-фасини бажарувчи Санжар Сатторов. — Яъни тушумлар фақат электрон шаклда қабул қилиниши ҳисобига барча пул маблағлари тўлиқ маҳаллий бюджетга тушиши таъминланмоқда. Таҳлилларга эътибор берадиган бўлсак, 2025 йил январь-февраль ойларида жами 67,6 миллион йўловчи ташилди ва бу ўтган йилнинг мос давридагига нисбатан 32,3 фоиз ошган. Мазкур автобус ташувларидан олинган тушум 105,6 миллиард сўм бўлиб, ўтган йилнинг мос давридагига нисбатан 21,3 фоиз кўп. Бундан ташқари, электрон тўловлар улуши кескин ошиб, 98 фоизга етди.

Тўлов тўлиқ электрон тизимга ўтган, ўз-ўзидан чиптачиларга эҳтиёж қолмайди. Маълумотларга кўра, Тошкент шаҳрида автобусларда йўлқари ҳақини нақд пулда тўлаш амалиётидан воз кечилган, 800 дан ортиқ чиптачи билан тузилган шартнома бекор қилинган. Бу шунча ходимга тўланадиган ойлик маошдан ҳам тежалишини аниқлатади. Аммо масаланинг бошқа томони бор. Шунча ходимнинг тақдирини нима бўлади, улар қўлда қолди? Транспорт вазирлиги мутахассисларининг айтишича, чиптачиларга “Тошшаҳартрансизм” АЖ тасаруфидидагидан автосаройларда мавжуд вақант лавозимлар тақлиф қилинган. Қабул қилганлар янги лавозимда ишнини давом эттиряпти.

Аини пайтда Самарқанд, Қарши, Урганч, Наманган, Андижон, Фарғона, Бухоро, Жиззах, Гулистон, Олмалиқ, Зарафшон, Янгийўл, Нукус ва Қўқон шаҳарларидаги автобусларда электрон тўлов тизими жорий этилган. Уларда АТТО ва бошқа карталар орқали йўловчилар амалга ошириш мумкин. Яқин йилларда барча ҳудудлар жамоат транспортда электрон тўлов тизими амал қилади.

АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ СОҲАСИДА

ЎЗБЕК ХОТИН-ҚИЗЛАРИНИНГ ЎРНИ ВА МАВҶЕИ

ДУНЁНИ ЎЗГАРТИРАДИГАН ЯНГИ ҒОЯЛАРГА МУАЛЛИФЛИК ҚИЛА ОЛАМИЗ



Ўзбекистонни ахборот технологиялари соҳасидаги минтақавий марказ – IT хабга айлантириш, ахборот технологиялари хизматлари экспортини ошириш, ёшларни замонавий касбларга ўқитиш ва бандлигини таъминлаш жараёнида аёл-қизлар фаоллигини ошириш муҳим масалалардан. Рақамли технологиялар вазирилик томонидан йўлга қўйилган лойиҳалар оп-сингилларимизнинг дастурий маҳсулотларни яратиши ҳамда дастурчи сифатида шаклланишига кўмаклашишга қаратилган.

Соҳада муваффақият қозонаётган, номдор компанияларда фаолият юритиб, яхшигина даромад топаётган, дастурий ишланмалари, инновацион ечимлари орқали глобал муаммоларни ҳал қилишга муносиб ҳисса қўшаётган аёл-қизлар кўп-лиги қувонарли. Нафақат юртимиз, балки

халқаро миқёсда муваффақият қозонаётган хотин-қизлар сони ортиб бораётгани барчамизни, хусусан, ёшларни ниҳоятда руҳлантиради, ахборот технологиялари соҳасида илгор бўлишга ундайди. Биз ана шундай хотин-қизларнинг фикр-мулоҳазалари билан қизиқдик.

Раҳимахон НУЪМОНОВА, International Coding Academy асосчиси, Тошкент шаҳридаги Инха университети доценти, Мюнстер университети тадқиқотчиси:

— Мен учун ахборот технологиялари шунчаки фаолият эмас, балки одамлар ҳаётини ўзгартирувчи инновацион ечимлар яратиш имкониятидир. У таълимни янада қўлай, бизнесни самарали ва дунёни технологик жиҳатдан илгор қилиш имконини берадиган восита.

Ахборот технологияларига қизиқишим мактаб йилларида, технология таълим жараёнига қандай таъсир кўрсатишини кўрганимда бошланган. Рақамлаштириш нафақат тенденция, балки заруратлигини, айниқса, кадрлар тайёрлаш ва малака ошириш йўналишларида унга талаб катта эканини кўрдим. Шу бонс, дастурлашни ўргана бошладим, таълим лойиҳалари устида ишладим ва ўзимнинг рақамли таълим платформам — International Coding Academy (халқаро қодлаш академияси)ни яратдим. Бу одамларнинг рақамли кўникмаларини ўзлаштиришига ёрдам берди.

Инсон ўз устида ишлар экан, маррага қийинчиликсиз ета олмайдими. Менда ҳам нимагадир эришиш имконсиздек туюлган пайтлар бўлган. Энг қийини атрофдагиларнинг шубҳасини енгизи эди. Ахборот технологиялари соҳасига ёш кириб келдим. Қиз бола бўлганим учунми, аввалга кўпчилик жиддий қабул қилмади.

Ахборот технологиялари эркаклар соҳаси экани, таълим рақамли ўзгаришларга муҳтож эмаслиги, аёллар учун бизнес юритиш қийинлиги ҳақидаги стереотиплар — буларнинг барчаси ҳақиқатан мавжуд эди. Лекин ҳаммиса салоҳиятимга ишондим ва эришган натижаларим сўзимдан кўра баланд эди. Менга ёрдам берган жиҳат — қатъият, ҳамфиқрларнинг қўллаб-қувватлови ва технология одамнинг жинс ҳақда ёшидан қатъи назар, ҳамма учун очилганини ибоб-лаш истаги эди.

Нима бўлишидан қатъи назар, ишни охиригача етказиш, сўнгги натижани кўриш ҳаётини тамойилдир. Бунда менга ҳаммиса интизом ёрдам берган. Шунингдек, илгор технологиялар ҳақидаги билимларим ривожланишига иштиёқимни янада кучайтиради. Иш ва ҳаётнинг тўғри мувозанати ҳам мен учун жуда муҳим. Зарур вақтда дам олиш, дўстларим, оилам билан вақт ўтказиш ва умуман ишдан, ўқшдан танаффус қилишим кераклигини тушунаман.

Ахборот технологиялари менга, аввало, бебаҳо тажриба, йирик лойиҳаларда ишлаш ва дунёдаги иқтидорли одамлар билан танишиш имкониятини берди. Технологиялар туфайли нафақат мавқега эришдим, балки бошқаларга ёрдам берадиган таълим платформаларини яратишга муваффақ бўлдим. Инха университетида бакалавр ва АҚШнинг Иллинойс университетида магистр даражасини олдим. Кўникма ва билимим ҳақиқатан нуфузли халқаро университетга ўқишга киришим ва юқори академик кўрсаткичга эришишимда катта таъсир кўрсатди.

Тури мамлакатларда бўлганим, машҳур университетларда ўқиб, ишлаганим,



халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлик қилганим. Ҳар бир таълим — стартапни ишга тушириш, ҳақдонлар ташкил этиш ёки конференцияларда қатнашиш — янги билим ва илҳом бахш этарди.

Яқинда Тошкентда болалар учун ҳақдон уюштирдим. Кўзи қақнаб турган 7-17 ёшли ўғил-қизлар ўзининг биринчи ахборот технологиялари лойиҳаларини яратётганини кўриш жуда қувончли эди. Бундай лаҳзалар бизни янги билим ва илҳомбахш технология ҳақиқатан дунёни ўзгартириши ва келажакни ёрқин қилишига умидлантиради. Энг муҳими эса, ахборот технологияларини ўрганиш ёшга боғлиқ эмас.

Менталитетимиз катталарга ҳурмат, оилавий қадриятларга, ўзаро ёрдам каби анъаналарга бой. Шу билан бирга, жамиятимизда қизлар баъзан айрим соҳада ишлашга муносиб экани бахс-талоб бўлиб қолмоқда. Бироқ кейинги пайтда кўп нарса ўзгарганини кўряпман. Ахборот технологиялари соҳасида Ўзбек қизлари иқтидорли, қатъиятли ва мақсад сари интилувчан мутахассислар бўлиб танилди. Улар мураккаб технологияларни ўзлаштиради, стартаплар яратди, халқаро танловларда қатнашди ва йирик компанияларда ишлайди. Ҳар йили улар сони ошиб бормоқда, бу одамни руҳлантиради.

Дунёда соҳада муваффақиятга эришган аёллар кўп. Технологик стартап асосчиларида тортиб, Google, Microsoft ва бошқа гигант компанияларнинг етакчи ишлаб чиқувчилари аёл эканига қўллаб-қувватлов берди. Уларни бирлаштирадиган асосий омил — ўзини ишонч, доимий ривожланиш ва қийинчиликлар олдида таслим бўлмамлиқдир. Ўзбек қизлари ҳам ҳеч кимдан кам эмас — биз улкан салоҳиятга эгамиз ва жаҳон миқёсда рақобатлаша оламиз. Қизларимиз ниҳоятда кучли ва дунёни ўзгартирадиган янги ғояларга муаллифлик қила оlishига ишонаман.

Ҳозир International Coding Academy (халқаро қодлаш академияси)ни фаол ривожлантиряпман. Биз халқаро курсларни Ўзбекистон бозорига мослаштиришимиз, рақамли ўқитувчи яратамиз ва талабаларга мунтазам ёрдам берамиз. Лойиҳа ва ҳамкорликни кенгайтириш энг катта режаларимиздан биридир.

“Янги Ўзбекистон” муҳбири Рисолат МАДИЕВА ёзиб олди.

РАҚАМЛИ ОЛАМДА “АЁЛ” ЁКИ “ЭРКАК” ДЕГАН ТУШУНЧА ЙЎҚ

Раъно СИДДИҚОВА, Plug and Play компаниясининг ҳамкорлик бўйича менежери:

— Ахборот технологияларига қизиқишим ҳозир ҳамма билладиган йўналиш — рақамли технологиялар машҳур соҳага айланганидан олдин бошланган. Тошкент халқаро Вестминстер университетини тамомлаганим. Фаолиятимни Ўзбекистоннинг йирик уяли алоқа операторларидан бирида бошлаганим. 2010-2011 йилларда рақамли технологиялар у даражада ривожланмаган, мутахассислар ҳам етарли эмасди. Мен компанияда контент-провайдерлар билан ҳамкорликда турли сервисларни ишлаб чиқиб, қисқа рақам орқали одамларга нима кераклигини аниқлашни йўлга қўйдим. Ушбу пайтда SMS хабар хизматида эҳтиёж катта эди. Кейин олий таълим муассасаларига ўқишга ҳужжат топширган абитуриентлар учун имтиҳон жавобини SMS орқали олиш имкониятини яратдик. 1 августда тест топширган йиғит-қизлар синов натижасини билиш учун 10-12 кун пойтахтда қолиши ёки уйига бориб яна қайтиши зарур эди. Бу лойиҳа ана шу оворагарчилик ва мушкулликларга чек қўйган. Доим бу ҳақда фахрланиб гапираман.

Кейинроқ Буюк Британиянинг Global Custodian компаниясига менежер бўлиб ишга кирдим. У ерда HSBC, Citі, JPMorgan Chase каби дунёдаги йирик банклар билан сўровнома ўтказар эдик. Сўровнома асосида махсус платформа орқали банкларнинг турли сервисларига баҳо бериларди. Менинг вазифам банклардан маълумот йиғиб, дастурчилар билан сўровномани таҳлил қилиш эди. Биз Тошкентдан асосорс жамоа сифатида ишлардик. Ушунда рақамли технологияларнинг дунё бўйича аҳамияти қанчалик катталигини кўрганим.

Шундан кейин Advantour туризм компаниясига рақамли технологиялар ва контент жамоасини бошқаришга тақлиф қилиндим. Бу компания Ўзбекистон ҳақида катта маълумот олиш мумкин бўлган ишончли ресурс эди. Мен шу компанияда иш бошладим. Жамоамиз билан битта веб-сайтнинг ўзида бир ойда бир миллиондан ортиқ саҳифа кўрилишига эришдик. Қизини шундаки, Google Ads (гуғл рекламаси)га пул, ортиқча ресурс ишлатмаганим.



Жамоамиз кенгайиб борди. Компаниянинг янги офислари очилди. Ишим шу даражада қизиқ эди, рақамли технологиялар чегарасиз эканини, бу инсонга чексиз имкониятни яратди. 1 августда тест топширган йиғит-қизлар синов натижасини билиш учун 10-12 кун пойтахтда қолиши ёки уйига бориб яна қайтиши зарур эди. Бу лойиҳа ана шу оворагарчилик ва мушкулликларга чек қўйган. Доим бу ҳақда фахрланиб гапираман.

Кейинчалик Plug and Play стартап компанияси Ўзбекистонга кириб келди. Унинг жозибали жиҳати стартаплар билан ишлаш эди. Чунки стартаплар янги инновация ва ғояларга бешик вазифасини ўтайди. Шу йўналишда салмоқли иш тақлиф қилинганида ҳеч иккиланмай қабул қилдим. Охириги икки йилдан буён мазкур компанияда ҳамкорлик бўйича менежер сифатида ишлайман. Шу пайтгача биз удалаган ишлар ичида FoundHER лойиҳаси алоҳида аҳамиятга эга. У аёлларнинг стартапларини қўллаб-қувватлашга қаратилган.

Лойиҳа доирасида Марказий Осиё давлатларида стартапга асос солган 10 аёл танлаб олинди. Уч ойлик акселерация (бизнесни ривожлантириш бўйича интенсив курс)

ўтганидан кейин уларни Силикон vodiysига яна тўрт кунлик интенсив ўқиш ва инвесторлар билан учрашуга олиб бордик. Ўзбек хотин-қизларининг ҳозирги салоҳияти ва ақлий юксалишини кўриб, жуда хурсанд бўлам. Айни пайтда уларнинг даромади 6-7 баробар ошган. Буни улар акселерация ва Силикон vodiysида фикрлаш тарзи ўзгарганига боғлайди.

Баъзан рақамли технологиялар менга нима берди, деб ўйлайман. Ёқтирган ишингиз орқали одамларнинг ҳаёти ижобий томонга ўзгараётганини кўрсангиз, ишингиздан мамнунийлик туюсиз.

Ўтган йили TechWomen лойиҳасига танлаб олиндим. Бунда 21 мамлакатдан бўлажак лидерлар 5 ҳафта давомида АҚШда таҳсил олади. Мен ҳам шу таркибга қабул қилиндим. У ерда “Сизларда қобилият бор, бунинг жамият ривожига йўналтириш керак”, деган ғоя илгари сурилди. Биз — ўзбекистонлик 5 қиз аутизмга эрта таълим қўйилмаслиги туфайли болаларнинг 70 фоизи жамиятга қўшилмаслиги муаммосини кўтариб чиқдик. Бу муаммага ечим тақлиф қилдик. Мазкур лойиҳани амалга ошириш учун зарур маблағ — грантни қўлга киритганимиз жуда қувончли воқеа бўлди.

Буни нима учун гапириб бераман? Рақамли технологиялар нафақат яхши иш


билан таъминлайди, саёҳат, юқори маош олишига имкон беради, балки инсонлар ҳаётини яхши ўзганга буриб, жамиятга катта фойда олиб келиши мумкин. Ҳа, бу соҳа орқали кўпчиликка ёрдам бера оласиз!

Айни пайтда аутизм лойиҳаси бўйича ишлайман. Келгусида бу лойиҳа аутизм ташхиси қўйилган минглаб болаларнинг жамиятда ўз ўрнини топишига кўмаклашишига ишонаман.

Бу ишдан ташқари, Googleнинг Women Techmakers амбассадориман. Women Techmakers вакили сифатида 10 дан ортиқ қиздан иборат жамоада ишлайман. Биз турли тадбирлар ўтказамиз. 2023 йилда Тошкентда 400 иштирокчини жалб қилиб, катта тадбир ташкил этдик, қатнашчиларнинг 80 фоизи қизлар эди. Уларга рақамли технологиялар оламига кириш ҳақида маълумот бердик.

Бу йил шундай тадбирларини Самарқанд ва Фарғонада ўтказдик. Мақсадимиз — технология саноатидаги хилма-хилликни қўллаб-қувватлаш. Чунки бу соҳада аёлларнинг иштирокчи хали ҳам етарли эмас. Технология фақат эркаклар учун хос, деган стереотип мавжуд. Биз рақамли дунёда “аёл” ёки “эркак” деган тушунча йўқлиги, у ҳаммага тўғри келадиган йўналиш эканини ўзимизнинг мисолимизда кўрсатишга ҳаракат қиламиз.

УШБУ МАҚОЛАНИ ҚОРАҚАЛПОҚ ТИЛИДА ҲАМ ЎҚИШ УЧУН QR-КОДИН СКАНЕР ҚИЛИНГ!



Ўзбекистонда бозор охиқотларини амалга ошириш, жумладан, барқарор иқтисодий ўсишга эришиш, миллий иқтисодиётда туб таркибий ўзгаришларни рўйбага чиқариш фаол инвестиция сиёсати билан узвий боғлиқ. Бунинг аҳамияти мамлакатимизнинг жаҳон бозорига интеграциялашуви билан янада долзарблик касб этади.



Шавкат ҲАСАНОВ, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Бугунги давр кечагисидан кескин фарқ қилади. Хорижий тажрибаларга кўра, инвестиция нафақат реконструкция ва таъмирлаш, балки янги ишлаб чиқариш корхоналарини барпо этишда ҳам энг муҳим омил. Шу бонс, Ўзбекистон иқтисодиётига хорижий капитални жалб қилиш ва ундан фойдаланиш ҳозирги босқичда инвестиция жараёнининг муҳим қонуниятига

БУГУНГИ ХАРАЖАТ – ЭРТАНГИ ДАРОМАД ТАЪЛИМГА АЖРАТИЛГАН ИНВЕСТИЦИЯ ЎЗИНИ ОҚЛАЙДИ

айланиб бормоқда. Бу жараён олий таълимда ҳам самарадор воситалардан.

Президентимиз раислигида жорий йил 16 январь куни инвестицияларни кенг жалб этиш ва экспорт ҳажмини ошириш борасидаги ишлар натижадорлиги ҳамда келгусидаги асосий вазифалар муҳомааси бўйича ўтказилган видеоселектор йиғилишида инвестицияларни жалб этиш ҳолати танқидий таҳлил қилиниб, устувор вазифалар белгилаб берилган эди. Мазкур топшириқлар ижросини таъминлашда олий таълим муассасаларида хорижий инвестиция ва грант маблағларини жалб қилиш, шунингдек, таълим экспортини ривожлантириш бўйича қатор чора-тадбирлар ишлаб чиқилди. Жумладан, Самарқанд агроинновациялар ва тадқиқотлар институтида ўтган йилдаги инвестиция дастурлари таҳлил қилиниб, истиқболдаги режалар белгилаб олинди.

2024 йилда институтида Жанубий Кореянинг озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги вазирилик (MAFRA), Халқаро боғдорчилик институти ҳамкорлигида мамлакатда картошка уруғчилик тизимини ривожлантириш учун кадрлар салоҳиятини оширишга қаратилган халқаро лойиҳа доирасида товар-моддий бойликлар (лаборатория жиҳозлари, транспорт воситалари, асбоб-ускуналар ва бошқа жиҳозлар) хариди бўйича хорижий инвестиция ўзлаштирилди. Институти Швейцария тараққиёт ва ҳамкорлик агентлиги (SDS) билан тузилган келишувга асосан, Зарафшон дарёси ҳавzasида аҳоли фаровонлигини ошириш лойиҳаси доирасида ижтимоий сўровнома ўтказди ҳамда консалтинг хизматлари кўрсатилди. Ушбу лойиҳа асосида институтига 10,5 минг доллар миқдорда хорижий инвестиция киритилди.

Япония халқаро ҳамкорлик агентлиги (JICA), Токио қишлоқ хўжалиги ва технологиялар университети билан “Самарқандда хурмо

меvasини кўриштиш орқали қишлоқ аҳолиси даромадларини ошириш” лойиҳаси доирасида институти ва маҳаллий ишлаб чиқарувчилар ўртасида интеграцияни амалга оширишда хорижий ташкилотлар билан ҳамкорлик ўрнатилди ҳамда 100 минг доллар қийматида инвестиция ўзлаштирилди.

200 га яқин талабамиз иқтисодиёти ривожланган Германия, Буюк Британия, Польша давлатларига ҳақ тўланадиган амалиётга юборилди. Натижада 972 минг долларга тенг хорижий инвестиция олинди эришилди. Бундан ташқари, Латвия ташқи ишлар вазирилик грант дастурлари бўйича Булдур техникаси ва институти томонидан қўлга киритилган грант дастури BioDigiSkills — қишлоқ хўжалиги учун биотехнология ва рақамли кўникмаларни ривожлантириш лойиҳаси доирасида хорижий грант маблағи олинди.

Европа Иттифоқининг Эрасмус+ дастури, Япония халқаро ҳамкорлик агентлиги (JICA), Туркия ҳамкорлик ва мувофиқлаштириш агентлиги (ТКА), Жанубий Корея озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги вазирилик (MAFRA) каби ташкилотларнинг грант маблағи ҳисобидан институти профессор-ўқитувчилари хориждаги ҳамкор университетларга стажировка ўташ учун юборилди.

Лойиҳаларимиз қишлоқ хўжалигида етук кадрлар тайёрлаш, хорижий илгор тажрибаларни мамлакатимизда жорий қилишга қаратилган. Бу борада давомли амалий ишлар бажарилляпти. Масалан, Европа Иттифоқининг Эрасмус+ дастури Open Food Innovation University (OFINU) лойиҳаси доирасида Латвияда 10 нафар мутахассис ва профессор-ўқитувчи малакасини ошириш режалаштирилган. Уқув жиҳозлари сифатида нон ишлаб чиқариш бўйича лаборатория фаолияти йўлга қўйилди. 2025/2026 ўқув йилидан бошлаб озиқ-овқат инновациялари бўйича

европалик профессор-ўқитувчилар билан ҳамкорликда ўқитишнинг янги шакли амалиётга жорий этилди ва унинг меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлари ишлаб чиқилди.

Шунингдек, Япония халқаро ҳамкорлик агентлиги хузуридаги Инсон ресурсларини ривожлантириш бўлимининг гранти ёрдамида институтиимизнинг 1 ходимини Токио қишлоқ хўжалиги ва технологиялар университетида 3 йил давомида ўқитиш учун 60 минг доллар грант маблағи ажратилди. Бундан ташқари, Эрасмус+ Халқаро кредит мобиллиги (ISM) дастури доирасида профессор-ўқитувчилар ва талабаларни хориждаги турдош олий таълим муассасаларида қисқа муддатли тадқиқот

ўтказиш ва малакасини оширишга юбориш ҳамда ўқинишни ташкил этиш учун 65 минг доллар грант маблағи ажратилди.

2024 йил сарҳисобига кўра, институтига жами 2 миллион 293 минг 329 доллар қийматида хорижий бегариз маблағ киритилди. 2025 йилда ҳам институтида мазкур лойиҳа ва дастурларни изчил давом эттириш, таълим экспортини амалга оширишга қаратилган саъй-ҳаракатлар бошлаб юборилди. Жумладан, жорий йил январьда Эрасмус+ дастурининг OFINU лойиҳаси доирасида институтининг 3 профессор-ўқитувчиси Латвия ҳаёт фанлари ва технологиялар университетида малака оширишга юборилди.



Талабалар амалиётини хорижда ўтказиш бўйича лойиҳа тайёрлаш мақсадида институтининг 2 ходими 14-19 январь кунлари Польшанинг Ignasy Mossiski амалий фанлар университетида хизмат сафарига бўлди.

Япония халқаро ҳамкорлик агентлиги томонидан молиялаштирилган “Самарқандда хурмо меvasини кўриштиш орқали қишлоқ аҳолиси даромадини ошириш маҳаллий лойиҳаси” доирасида 2 профессор-ўқитувчимиз 24-31 январь кунлари Токио қишлоқ хўжалиги ва технологиялар университетида хизмат сафарига юборилди. Шунингдек, мазкур агентлик томонидан молиялаштирилган лойиҳа доирасида Токио қишлоқ хўжалиги ва технологиялар университетининг бир профессор-ўқитувчиси маҳорат дарсларини ўтиш учун институтиимизга келди.

Жанубий Корея билан ҳамкорлик доирасида Халқаро боғдорчилик институти президенти, профессор Лео бошчилигидаги делегация институтиимизда меҳмон бўлди. 5 профессор-ўқитувчимиз эса Жанубий Кореянинг картошка уруғчилик оид ташкилотларига малака оширишга юборилди.

Хорижий ҳамкорлар билан амалга оширилаётган бу каби лойиҳалар доирасида институтига жами 177 минг доллар миқдорда хорижий инвестиция киритилди.

Самарқанд агроинновациялар ва тадқиқотлар институти халқаро грант ва инвестицияларни жалб қилиш бўйича сезиларли ўсишга эришмоқда. 2024 йилда жалб қилинган маблағ 2,29 миллион доллар ташкил этган бўлса, 2025 йилда бу кўрсаткич 4,58 миллион долларга етказиш режалаштирилган. Асосий ҳамкорлар қаторига Япония, Швейцария, Германия ва Европа Иттифоқи киради. Хорижий инвестициялар товар-моддий бойликлар, консалтинг хизматлари ва талабаларни хорижда амалиётга юборишга йўналтирилган.

Юртимизда илм-фани янада ривожлантириш, ёшларимизни чуқур билим, юксак маънавият эгаси этиб тарбиялаш, рақобатбардош иқтисодиёт муҳитини шакллантириш борасида бошланган ишларимизда таълим ва тадқиқот учун ажратилган маблағлар келажакда ўз меvasини беришига ишонамиз.

Мулоҳаза

Нега бир пайтлар эгасининг "паспорти" вазифини ўтаган, меҳнати қадрланган дўппи бугун одамлар онгида беўхшов буюмга айланиб қолган?...



Дўппиши кийишса м... ёёхўд миллийлигимиз намунаси

Бугун мазах объектига айланиб қолмаяптими?

Бугун дўппи ахлоқий инқироз воситаларидан бирига айланиб улгурган, десак ишонмайсиз. Келинг, бу гапнинг исботини кўриб чиқсак...

Аммо ахлоқсиз амаллар бошқача исм билан аталса, жамиятнинг ўзи буни одатий ҳол ўлароқ қабул қилса, ижтимоий назорат ишдан чиқад...

Омма дўппи киноччилар деганда, оқ кўйлак ва бўйинбогли сафсатабоз бир тоифани англаши тобора равшанлашиб бораётганини носоглом муносабатлар орқали ошқор этиб кўйди...

Биттагина бош кийимга шунча галвами деб кимлардир анса котирар, аммо ўша кичик қалпоқ шу қадар катта тарихга гувоҳ бўлганки...

Нега инсоният чиройли яшашга интилади?

Инсоният илк даврларданқ куннинг асосий қисмини муайян фаолият билан шуғулланиб ўтказган, бетўхтов меҳнат қилган. Шу кунданки юмушлар оралиғида доимий фойдаланиладиган буюмларга ўз авлодларига уни қандай буюмларини тушунтириш учун махсус белги қўйиб ясашига уринган ва натижада асарлар ўтиб, меҳнат турлари ривожланган...

Жонсиз нарсаларга ижодий ёндаша бошланган ондан қадимий амалий санъат юксала борган. Амалий санъат асарининг уйғунлиги, аввало, бадий буюмнинг бадий ва амалий вазифининг ягоналигида...

Демак, амалий санъатнинг асосий мақсади кишилар яшайдиган муҳитни гўзал қилишдан иборат экан, шу ўринда бир савол туғилади: нега инсоният чиройли яшашга интилади?...

Этник келиб чиқишни кўрсатадиган ўзига хос "ҳужжат"

Дўппининг афзалликлари, тарихи унга доир ривоятлар ўйланганимиздан анча кўп. Дўппиларга ўхшаш бош кийимлар қадимдан мавжуд бўлгани ҳақида бивосита хайкалтарошлик намуналари, деворий суратлар, терракота хайкалчалари ҳамда Шарқ минатораларидан библия мумкин. Дастлабки дўппилар шакли ўткир учли қилиб салла билан кийишга мўлжаллаб кизаги кенг жиякли қилиб тайёрланган...

асрининг 20-йилларидан дўппи шакли ўзгаради: тепаси думалоқ ёки мурабба шаклга эга бўлади, кизақдаги жияги ингичкалашади.

Илгари ҳар бир минтақанинг дўппилари ранги, декорацияси ва ишлаб чиқариш техникаси билан ажралиб турган. Дўппи орқали эгасининг қайси вилоят ва ҳатто қишлоқдан эканини аниқлаш мумкин эди. Яъни дўппи эгасининг этник келиб чиқишини кўрсатадиган ўзига хос "ҳужжат" бўлган.



Ҳар бир дўппидаги гул ва нақшлар ўз маъносига эга. Бунга эса ҳаммадан ҳам аниқлаб етаравермаймиз. Бир қарашда оддийгина кўринган бу бош кийим бизни тарих билан юзлаштиради. Миллатимизнинг миллий рамзи бўлган дўппиларимизни фарқлай оладиган кишиларгина ўзи учун муносибни танаб олди. Дарҳақиқат, қадимги аждодларимиз дўппиларига жуда кўп маъно-маъмуни сингирдиган бўлиб, дўппидаги бирор қисм, бирор нукта унга шунчаки қиритилган эмас. Масалан, санъатшунос Мухаммад Фозил дўппидаги тасвир авлодлар давомийлигини таъминловчи ҳомила билан боғлиқ деб ҳисоблайди. Бошқа тадқиқотчилар эса

дўппидаги қалампирмунчоқ тасвири дўппи эгасини турли бало-қазолардан асровчи ҳимю воситаси бўлган, деб таъкидлайди. Айнан шу сабабга кўра, водийда эркакларнинг дўпписиз, яланғобш юришлари ноахлоқий аломат тарзида тушунилган. Эркаклар ҳар қандай ҳолатда: ишда, ибодат пайтида, овқатланишда, кўчада, байрам ва сайилларда, ҳатто ухлаганида ҳам бошида дўппи бўлиши лозим эди.

маънони англатади. Бодомчуса нақш олдидаги думалоқ белгилар орқали нечта фарзанди борлигини аниқлаш мумкин бўлган. Кичик шакл гўдак ётадиган бешик. Устидаги нукта бешикка нур сочаётган манбани англатган. Каттаси ҳам бешик. Лекин у бу дунёни тарқ этаётган кишининг белгисидир. Ичкаридаги нукта эса вафот этган кишининг сўнаётган нурини билдиради. Бош кийимини тенг қисмларга ажратадиган тўртта қисми инсонни дунёнинг турли бурчакларидан келувини ёвуз кучлардан ҳимю қилиш учун мўлжалланган. Дўппи асосидаги қора ранг бўшлиқ ва зулматни англатса, бош кийимнинг пастки қисмидаги меҳроб кўринишига эга ўн олтига элемент ҳаёт ва ўлимнинг даврийлик характерини англатади. Афсонага кўра, бу элементлар бойликни жалб қилади ва ҳаётий гайратни таъминлайди. Тасаввур қилинг-а, биргина дўппида шунча сир яширин.

Дўппи кийиш — маданиятни сақлашга бўлган онгли интилиш

Аёллар дўппиларини беазада асосан, гуллар, мевалар ва қушлардан фойдаланилади. Гул нақшлари орасида кенг тарқалган атир-гул, гулсафар, чиннигул, лола, гултоғижхўроз, олма гуллари ва бошқалар, мевалар орасида эса анор, олча ва гилос, бодом ва қалампир тасвири хисобланади. Гуллар ичидидаги безаклар, айниқса, эҳтиёткорлик билан ишланади. Қушлар ҳам беазада асосий нақшни ташкил қилиши мумкин. Асосан, бу тустовуқ, хўроз, бўлбул тасвириларидир. Хунараманд аёлларнинг гўзаллиқка, мукамалликка интилиши уларнинг меҳнатини хунарамандликдан энг юқори санъат даражасига кўтаради. Қисқа қилиб айтганда, ўзбек дўпписи беазагина барча элементлари — ранги, чиқарили, расмлари муҳим маъно юклаганига эга бўлиб, кўпинча ҳаёт ва ўлим, ёруғлик ва қоронғилик, ер ва осмон, эзгулик ва ёвузлик каби умумий тушунарлар билан боғлиқ бўлган. Ўзбек дўппилари ҳақиқи равишда бутун дунёда талабга эга. Чет эллик сайёҳлар бундай бош кийимларини гайриоддий ёдгорлик сифатида сотиб олади, аксарият инсонлар ҳатто улар билан ўз уйлари билан беазада.

Миллий сиебатда мероснинг қиймати ва аънанавий маданий қадриятлари, шунингдек, хунарамандларни қўллаб-қувватлаш ҳар доим устувор ўрин эгаллашди даркор. Аънанавий хунарамандликнинг тикланиши, жумладан, дўппи кийиш ҳам Ўзбекистон маданиятини сақлашга онгли интилишнинг бир қисмидир.

Олдинлари ўзиди ҳолатларда тўй тайин қилиниб, қувё муайян сабаблар билан ўз никоҳ тўйида қатнаша олмас, келин унинг дўпписини ёки пичоғига никоҳ қилинган. Лекин даврлар ўтиши билан бош кийимнинг асл маъноси унутилиб, мақола бошида ёзгирганимиздек, оддий маиший мазмунида сақланиб қолди. Аниқроғи, ҳозирги "бақчана" сўзини ташувчи ҳолатга келди.

Ўзбекистонда азалдан санъат юксак қадрланган, хунарамандлар эъзозланган, жамиятда муайян мавқега эга бўлган. Санъатнинг гуллаб-яшнаши амалий санъатга вақтинчалик соя солган бўлса-да, яқин йилларда ташкил қилинаётган халқаро ва маҳаллий кўргазмалар эвазига у иккинчи ҳаётга эга бўлди. Ўтган йиллар мобайнида дўппининг бир неча нозлаб турини ўзига жамлаган амалий санъат намойишлари, "Party"лар муваффақиятли ўтказилди, ижтимоий тармоқ фойдаланувчиларининг зиёли қатлами дўппи кийиб саҳифаларга жойлаш ва бошқа турли флешмоаблар, қизқарли челленжлар амалга ошириб, қолганлари ҳам бунга тарғиб этди. Ҳатто йўлда мабодо мудраб қолса, енгил тебраниш билан ҳайдовчинини уйғота оладиган "ақлли" дўппилар ҳам ихтиро қилинган.

Айнан дўппига доир аънанавий дидактик руҳдан йирок, замонавий, креатив ёндашилган сифатли контентлар "Хайпжор"ларнинг бетуриқ видеоларини бирма-бир "сингдираётган" паллада бирдан тўхтаб қолди, ўша пайтдаги дидактик авж олган оғир вазият тақозоси билан туғилган шавқ бугун негадир сўнди. Аслида, ҳозир медиамақолада отни қамчилаб қолишнинг энг қулай фурсати.

Президентимиз жорий йил 14 февраль кунини ёшлар билан мулоқот қилди. Вицеелектор шаклида ўтган учрашувида ёшлар учун имкониятларни янада кенгайтириш чора-тадбирлари муҳокама этилди. Фаол ёшлар билан кечган мулоқотда томошабин учун фойдали, тарихимиз ва келажикимиз, қадриятларимиз хусусида янги авлод учун манфаатли бўладиган медиамақсулотлар, енгил маъно ташувчи рубрикалар тайёрлашда жонбозлик кўрсатадиган ёшлар имкониятлар беришни таъкидлади, айнан шу каби фойдали контентларни бошлаш учун Ёшлар ишлари агентлиги 100 миллион сўмга грантлар беришни эълон қилди. Ҳудди шундай ташаббуслар билан амалий санъатга доир эриқлари бўлмаган, бутунга давр руҳи уйғунлигига суратга олинган ҳужжатчи, қисқа метражли фильмлар, клипларни қўлайтириш лозим. Ҳеч йўқ, дўппи воситасида қишлоқ одамларини ўлғундай гўл, аҳмоқ қилиб кўрсатаётганларнинг "мағзава" контентларини эътиборсиз қолдириш зарур.

Миллий сиебатда мероснинг қиймати ва аънанавий маданий қадриятлари, шунингдек, хунарамандларни қўллаб-қувватлаш ҳар доим устувор ўрин эгаллашди даркор. Аънанавий хунарамандликнинг тикланиши, жумладан, дўппи кийиш ҳам Ўзбекистон маданиятини сақлашга онгли интилишнинг бир қисмидир.

Азизбек ЮСУПОВ, "Янги Ўзбекистон" муҳбири



МЕҲМОН МАМНУН БЎЛИШИ УЧУН МЕЗБОН МУНОСИБ БЎЛИШИ ЛОЗИМ

Жажжи қизалоқ момосининг ёнида ўтирганча илк бор кашта тикишни ўрганаркан, ҳали жавоби топилмаган саволлари анчагина. Кекса аёлнинг моҳир қўллари билан оддий матода санъат асари яратилиши у учун қизқариш эди. Момоси аввал оқ матога қалам билан тажрибали расомлар каби ажойиб гуллар тасвирини чизар, сўнг қўлига игна олиб, турли рангларга бўялаган иплар билан гулларга чирой бахш этарди.

бўлса керак, набира қизларини ўзи шоғирдикка олиб, меҳнатга ўргатарди.

Тугилиб ўсган хонадонни кўхна Кеш марказидаги Оқсарой майдони атрофида бўлгани боис, етти ёшли Дилором момоси тиккан турли дўппилар ва бошқа буюмларни сотиш учун ўша вақтдаги Чорсу бозорига олиб чиқарди. Кўла меҳнати ила тикланган бош кийимларни тезда сотиб, уйига мамнун кириб борарди. Бу иши момоси томонидан рағбатлантирилмасдан қолмасди. Бир кун иш қизалоқ қўлида буюмларни кўтарганча бозор томон бораркан, олдиндан уч-тўрт киши чиқиб, унинг қўлидаги нарсаларга қизиқиб қолди. Аммо қизча уларнинг номини дейишгаётганини, қайси тилда сўзлашаётганини билмасди. Бир оздан сўнг таржимон

келиб, ундан меҳмонлар буни сотишни сўрашаётганини айтиб қолди. У рози бўлди. Шу кунини савдоси анча баракали бўлган. Шундан сўнг кўпроқ хориждан келган меҳмонларга сотадиган бўлди. Фақат улар билан сўхбатлашиш муаммо туғдирарди. Тиришқоқ қизча тезда бунга эришди. Чиройли қизчага ҳаракат қилди. Инглиз тилини имкон даражасида ўрганишга интилди.

— У пайтлар ҳозиргидек имкониятлар қайда эди, — дейди Дилором опа Жўраева. — Мактабимизда инглиз тилини биладиган устозлар санокли бўлган. Шу сабаб мустакил ўрганишга интилганман. Ота-онам менга ишонч билдириб, кўлаб-қувватлаб тургандаи ўшанда. Боиси, Шаҳрисабзга ўша пайтларга ҳам хориждан келувчиларнинг кети узилмасди. Миллий буюмларимизга, асосан, меҳмонларнинг қизиқиши юқори бўлган. Улар билан мулоқот қилиш учун эса тил билш лозим эди. Кейинчалик инглиз тилини ўзлаштириб олгач, бу борада муаммо қолмади. Шундан сўнг ўзим бемалол миллий либосларимиз борасида чет элликларга маълумот берадиган, савдолашадиган бўлдим. Гоҳида тиккан дўппиларимизни айлантириб томоша қилиб кўришаркан, ўзимиз қўлда тикканимизга ишонимасди. Шундай пайтларда ярим тайёр дўппини қўлимга олиб, уларнинг кўз ўнгида тикиш жараёнини кўрсатиб берадим. Умуман олганда, миллий либослар устаси бўлишимда момомнинг хизмати катта.

Бугунги кунда Шаҳрисабз шаҳрида етакчи хунарамандлар қаторида тилга олинмаган Дилором опа вилоят, республика миқёсида ўтказилган қатор танловларда фахрли ўринларни қўлга киритиб келмоқда. Бундан ташқари, 50 дан ортиқ шоғирд тайёрлаб, уларнинг ўзини ўзи бандлигини таъминлашга катта ҳисса қўшган. Айни пайтда ҳам 10 нафар хотин-қизга касб сирларини ўргатиш билан банд.

Ёшим олтимиш бешга кирди, — дейди Д.Жўраева. — Лекин ҳамон меҳнатдан, асл миллий либосларимизни тарғиб қилишдан чарчамайман. Асосан, хотин-қизларнинг тарихий минг йилларга бориб тақалладиган миллий либосларини тикиш билан шуғулланиб келаман. Ким нима деса десин-у, лекин ўзимизнинг асл кийимларимизга етмайди. Мана, мисол учун бирор қизнинг адрас кийганини кўрган кичи кўзи қувнайди. Еки бошида дўппи кийиб юрган йилгитинг чиройини кўриб, ҳавасингиз ортади. Билсангиз, одамнинг кийган либосида ҳам гап кўп. Гоҳида ўйланиб қоламан-да. Нега булардан ёшларимиз фақатгина турмуш қураётган пайтлари бир кун ёки бирор маросимда фойдаланишадиган-да, кейин эсларига ҳам келтиришмайди?



ГАЗЕТАДАГИ МАТЕРИАЛЛАРИНОТИН ЁЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФОСИДА ҲИШ УЧУН МАЗКУР QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ.

"Янги Ўзбекистон" ва "Правда Востока" газеталари тахририяти ДМ МУАССИС: Ўзбекистон Республикаси Вази́рлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир: Салим ДОНИЁРОВ

Тахририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарибмайди. Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар. Газета тахририят компьютер марказида саҳифаланди. Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "ШАРҚ" НМАК масъул. Босмаҳона телефони: (71) 233-11-07.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 236. Буюртма Г-346. 37346 нусхада босилди. Ҳажми — 3 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А2. Баҳоси келишилган нарҳда.

"ШАРҚ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида чоп этилди. Босмаҳона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳрир: Беккул Эгамқулов Мусаҳҳиж: Малоҳат Мингбоева Дизайнер: Зафар Рўзиев Манзилими: 100060, Тошкент шаҳри, Шаҳрисабз кўчаси, 85-уй